

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**«ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ»  
КАФЕДРАСИ**

“Тасдиқлайман”  
Ўқув ишлари проректор  
\_\_\_\_\_доц. Муталов Ш.А.  
« \_\_\_\_\_ » 2015й.

**ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ЧИҚИНДИЛАРИ ВА ИККИЛАМЧИ  
МАҲСУЛОТЛАРИДАН РАЦИОНАЛ ФОЙДАЛАНИШ  
модулидан**

**ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**ТОШКЕНТ-2015**

## **МУНДАРИЖА**

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ.....	5
1 маъруза. Тегирмончилик корхоналарида ҳосил бўладиган иккинчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш.....	13
2 маъруза. Ёрма ва омихта ем саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотлардан рационал фойдаланиш.....	18
3 маъруза. Гўшт ва балиқни қайта ишлаш саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш .....	37
4 маъруза. Сутни қайта ишлаш саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш.....	49
5 маъруза. Консерва саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш.....	55
6 маъруза. Ёғ-мой саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш.....	61
7 маъруза. Вино ва спирт саноатининг саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш .....	66
8 маъруза. Пиво ва алкогиз ичимликлар ишлаб чиқариш саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш.....	91
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	95

## **АННОТАЦИЯ**

«ОЗИҚ ОВҚАТ САНОАТИ ЧИҚИНДИЛАРИ ВА ИККИЛАМЧИ МАХСУЛОТЛАРИДАН РАЦИОНАЛ ФОЙДАЛАНИШ» модули тингловчиларга озиқ овқат махсулотлари чиқинди турлари ва сифати, таркиби ва рационал фойдаланиш босқичларини юксак ва малакали равишда қайта ишлаш фан ва техниканинг энг сўнгти ютуқларига таяниб, янги усуллар ишлаб чиқариш ёки мавжуд усулларни такомиллаштириш ва махсулотлар ишлабчиқариш заруратини тушинишни ўргатади. Ушбу маъруза матнлари « ОЗИҚ ОВҚАТ МАХСУЛОТЛАРИ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БОШҚА ОЗИҚ ОВҚАТ САНОАТИ ЧИҚИНДИЛАРИ ВА ИККИЛАМЧИ МАХСУЛОТЛАРИДАН РАЦИОНАЛ ФОЙДАЛАНИШ» модулининг дастури асосида ёзилган бўлиб, Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш мутахассислиги бўйича тингловчилар учун мўлжалланган.

### **Тузувчилар:**

Равшанов С.С.	“Озиқ-овқат махсулотлари кафедрасининг доценти	технологияси»
Балтабаев У.Н.	“Озиқ-овқат махсулотлари кафедрасининг катта ўқитувчиси	технологияси»
Бобоев А.Х	“Озиқ-овқат махсулотлари кафедрасининг катта ўқитувчиси	технологияси»

### **Тақризчилар:**

Низомов Д.	Вазирлар Махкамаси хузуридаги Давлат дон инспекцияси бош мутахассиси	
Айходжаева Н.К.	“Озиқ-овқат махсулотлари кафедрасининг доценти	технологияси»

Услубий кўлланма «Озиқ-овқат махсулотлар технологияси» кафедраси мажлисида 2015 йил «\_\_» \_\_\_\_да муҳокама қилинган ва институт услубий кенгашига тасдиқлаш учун тавсия қилинган, баён № \_\_\_\_.

Услубий кўлланмаси институт услубий кенгаши мажлисида 2015 йил «\_\_» \_\_\_\_да муҳокама қилинган ва тасдиқланган, баён № \_\_\_\_.

## **Кириш**

Техника олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг умумкасбий ва маҳсус фанлари профессор-ўқитувчилари учун тузилган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг “Озиқ-овқат саноати чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш” модули ишчи ўқув дастури озиқ-овқат саноати ишлаб чиқаришнинг прогрессив технологиялари, истиқболли импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган технологиялар билан таништириш, ишлаб чиқарилаётган озиқ - овқат маҳсулотларининг хом ашёларини маҳаллийлаштириш уларнинг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш ва ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш, замонавий технологияларнинг ўзига хос хусусиятларига оид билим, кўникма ва малакаларини янгилаб боришга қаратилган.

Бундай корхоналарда ишлаб чиқаришни тўғри ташкил қилиш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш учун донни сақлаш ва унга ишлов бериш билан боғлиқ барча жараёнларни такомиллаштириш учун дон маҳсулотлари тизимида шу корхоналар ишини қайта ташкиллаштириш ва ўзгартириш лозим.

Фан ва техника ютуқларини тадбиқ қилиб технологик жараёнлар боришини назорат қиласди ва максимал дон ресурсларини ишлатиш ҳамда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш тадбирларни таъминлайди.

Дон маҳсулотлари саноати корхонадарида лаборатория базаси сезиларли кўпайтирилган ва такомилаштирилган. Бор лабораториялар реконструкция қилниб ва янги лойиҳалар кўзда тутилмоқда.

Лабораторияларни юқори илмий даражада фаолиятини таъминлаш учун уларни замонавий аппаратуралар ва асбоблар билан жиҳозлаш керак, шунингдек физик-кимёвий ва кимёвий усулларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

## **ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

### **Дастурнинг асосий мақсади ва вазифалари:**

Озиқ-овқат технология (Озиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳалари бўйича) қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишини “Озиқ – овқат маҳсулотлар технологиялари” мутахассислиги ўқув режасида маҳсус фанлар блокига киритилган “Озиқ-овқат саноати чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш” фани ўқув дастурининг **мақсади** – мутахассислик фанларидан дарс берувчи профессор ўқитувчиларни озиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг прогрессив технологиялари, Ўзбекистон Республикасида овқат маҳсулотлар ишлаб чиқариш замонавий корхоналари, замонавий истиқболли импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган технологиялари тўғрисида назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, қўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

“Озиқ-овқат саноати чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш” фанининг **вазифаси** - технологик ишлаб чиқаришни режалаштириш ва ташкиллаштиришни; технологик жараёнлар ўтказилиши-ши учун оптимал омиллар танлашни; озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларида мавжуд долзарб амалий масалаларини ечиш учун янги технологияларни қўллаш, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларида ҳосил бўлган иккиламчи хом ашёлардан рационал фойдаланиш, маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш; “Озиқ-овқат технология (Озиқ-овқат маҳсулотлар технологияси соҳалари бўйича)” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлашдир.

### **Курс яқунида тингловчиларнинг билим, қўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:**

“Озиқ-овқат саноати чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш” фани бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларининг кимёвий таркибини, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини, улардан фойдаланиш мақсадларини ҳамда синтез қилиш асосларини;
- озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш технологиясининг

- истиқболли импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган технологияларни;
- озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан ишлаб чиқарилган озиқ-овқат ва озуқа маҳсулотларининг сифатини бошқариш ва назорат қилишни ***билиши*** керак.

#### **Тингловчи:**

- озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланишда замонавий технологияларини танлаш, ишлаб чиқаришдаги моддий балансни тузиш ва ҳисоблаш;
- озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланишда қўлланиладиган хом ашёларни танлаш, ишлаб чиқаришдаги моддий балансни ҳисоблаш ***қўнималарига*** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- Республикаизда ишлаб чиқариш корхоналари моддий базасини модернизация қилишда илм-фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари қўллаш;
- озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларининг ҳоссаларини ва синтез шароитларини такомиллаштириш ***малакаларига*** эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

- технологик ишлаб чиқаришни режалаштириш ва ташкиллаштиришни;
- технологик жараёнлар ўтказилиши учун оптималь омиллар танлашни;
- озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланишда, корхоналарининг комплекс масалаларни ечиш;
- мутахассисликка мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилиш;
- озиқ-овқат корхоналарининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнларидағи мавжуд долзарб амалий масалаларини ечиш учун янги технологияларни қўллаш;
- намунавий методикалар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш;
- озиқ-овқат корхоналарининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларини ҳоссаларини аниқлаш ва йўналтирилган ҳолда бошқариш, хусусиятларининг сифатини назорат қилиш усуllibарини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш ***компетенцияларига*** эга бўлиши лозим.

## **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Озиқ-овқат саноати чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш” фани қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишини “Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси” мутахассислиги бўйича киритилган “Озиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги замонавий жиҳозлар ва ускуналар” ва “Озиқ-овқат маҳсулотларни физик-кимёвий таҳлил қилишнинг замонавий усуллари” билан узлуксиз боғлиқ бўлиб, ушбу фанларни ўзлаштиришда назарий асос бўлиб хизмат қиласди. “Озиқ-овқат саноати чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш” фанини тўлиқ ўзлаштиришда ва амалий вазифаларни бажаришда “Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари”, “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш”, хамда “Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари” фанлари ёрдам беради.

### **Фаннинг Олий таълимдаги ўрни**

“Озиқ-овқат саноати чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш” фани қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишини “Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси” мутахассислиги бўйича маҳсус фанлардан дарс берувчи профессор ўқитувчилар учун муҳим ўринни эгаллайди. Ушбу фан Олий таълим муассасаларида талаба ва педагоглар томонидан ўқув-илмий ишларини олиб бориш учун асосий назарий ва амалий билимларни беради.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

	<b>Мавзу</b>	<b>Назарий</b>	<b>Амалий</b>	<b>Кўчмамаш</b>	<b>Тажриба алм</b>	<b>Мустакил</b>
<b>1</b>	Тегирмончилик саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш	<b>2</b>	<b>1</b>			<b>2</b>
<b>2</b>	Ёрма ва омихта ем саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш	<b>2</b>	<b>1</b>			
<b>3</b>	Гўшт ва балиқни қайта ишлаш саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш	<b>2</b>				
<b>4</b>	Сутни қайта ишлаш саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш	<b>2</b>	<b>2</b>			
<b>5</b>	Консерва саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш	<b>2</b>				
<b>6</b>	Ёғ-мой саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш	<b>2</b>				
<b>7</b>	Вино ва спирт саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш	<b>2</b>				

<b>8</b>	Пиво ва алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш	<b>2</b>				
	<b>Жами</b>	<b>16</b>	<b>4</b>			<b>2</b>

## **Маъруза машғулотларининг мазмуни**

### **1 –мавзу. Тегирмончилик саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш.**

Тегирмончилик саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларининг физик-кимёвий кўрсаткичларини қайта ишлашда таъсири. Ўзбекистон Республикасида тегирмончилик саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларини қайта ишловчи замонавий корхоналари. Истиқболли импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган технологиялар.

### **2 –мавзу. Ёрма ва омихта ем саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш**

Ёрма ва омихта ем саноатида ҳосил бўлган чиқиндилар ва иккиламчи маҳсулотларининг кимёвий таркибини таҳлили ҳамда қайта ишлаш мақсадлари. Ёрма ва омихта ем саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларни қайта ишлашнинг прогрессив технологиялари.

### **3- мавзу. Гўшт ва балиқни қайта ишлаш саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш.**

Гўшт ва балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ҳолати. Чиқитсиз технологияни яратиш асослари. Гўшт ва балиқ саноати иккиламчи маҳсулотларини рационал қайта ишлаш асослари.

### **4-мавзу. Сутни қайта ишлаш саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш.**

Сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳолати ва ҳажми. Чиқитсиз технологияларни яратиш асослари. Сут саноатидаги иккиламчи маҳсулотларни рационал қайта ишлаш асослари.

### **5-мавзу. Консерва саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш.**

Консерва саноатининг бугунги кундаги ҳолати ва ишлаб чиқариш ҳажми. Консерва саноатидаги иккиламчи маҳсулотларининг қайта ишлаш ҳолати. Бугунги кунда ишлаб чиқарилётган консерва маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлик мезонлари таҳлили.

## **6-мавзу. Ёғ-мой саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш.**

Ёғ-мой корхоналари чиқиндилари ва уларни утилизациялаш. Ёғ-мой корхоналари чиқиндиларидан омухта-ем ва мойлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш.

## **7 –мавзу. Вино ва спирт саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш.**

Вино ва спирт ишлаб чиқариш корхоналарини иккиламчи ресурслари ва уларнинг классификацияси. Вино ишлаб чиқариш саноатининг иккиламчи ресурларини қайта ишлаб табиий бўёқ, озуқа оқсили, узум мойи, энат эфирлари ва ректификатланган этил спирти олиш технологиялари. Вино ва спирт саноатининг чиқиндиларидан метан гази ишлаб чиқариши.

## **8-мавзу. Пиво ва алкогиз ичимликлар ишлаб чиқариш саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш.**

Пиво ишлаб чиқаришда хосил бўладиган чиқиндиларни тавсифи (пиво дробинаси, солод ўсимтаси, оқсили чукмаси) ва уларни қайта ишлаш технологияси.

Алкоголсиз ичимликлар учун дамлама тайёрлашда қўлланиладиган доривор ўсимликлар ва қайта ишлашда хосил бўладиган чиқиндиларни қайта ишлаш технологиялари.

### **Амалий машғулотлар мавзулари**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

## **1 –мавзу. Озиқ-овқат саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларини қайта ишлашда хом ашё ва тайёр маҳсулот миқдорий мувозанатини ҳисоблаш.**

Озиқ-овқат саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларни миқдори ва улардан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг ўзаро нисбатини ҳисоблаш.

## **2 –мавзу. Ёғсизлантирилган сутдан нордон-сут ичимлиги ишлаб чиқариш.**

Хом ашёга дастлабки ишлов ва сифатини аниқлаш. Таркиби аниқланган ёғсиз сутга ачитқи миқдорини ҳисоблаш.

## **Мустақил иш мазмуни**

### **Мустақил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (лойиҳа иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши (лойиҳа иши) доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс берадётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

Силлабус;

Кейслар банки;

Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фанинни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошк.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
- мутахассислик фанларидағи инновациялардан ҳамда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимиға киритиб бориши лозим.

### **Тавсия этилаётган малакавий иш мавзулари:**

1. Тегирмон саноати чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларига ишлов бериш жараёнлари.

2. Тегирмон саноати чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларини физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш.

3. Ёрма ва омихта ем саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларини физик-кимёвий таҳлили.

4. Гўшт ва балиқни қайта ишлаш саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланишда замонавий технологияларни қўллаш.

5. Ноанъанавий мева-сабзавотлардан консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиши.

6. Чиқитсиз консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясини яратиш.

7. Ёғ-мой саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан омихта ем ишлаб чиқаришда рационал фойдаланиш.

8. Вино саноати иккиламчи ресурсларидан табиий бўёқ ва оқсилли озуқа ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

9. Спирт саноати бардасидан метан гази ишлаб чиқариш технологияси.

10. Пиво ишлаб чиқариш корхоналари чиқиндиси пиво дробинасидан оқсил гидролизатини олиш технологиясини яратиш.

11. Алкоголсиз ичимликлар учун доривор ўсимлик хом ашёларидан дамлама тайёрлашни самарали технологиясини яратиш.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қофоз вариандаги манбаалардан фойдаланилади.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати Асосий адабиёт**

1. Чеботарёв О.Н., Шаззо А.Ю., Мартыненко Я.Ф. Технология муки, крупы и комбикормов. Учебник. - М.: ИКЦ «Март», Ростов н/Д, 2004. – 688 с. (Серия «Технология пищевых производств»).
2. Мерко И.Т. Совершенствование технологических процессов сортового помола пшеницы. Учебник. – М: «Колос», 1979. - 368 с.
3. Додаев Қ.О. Oziq-jvqat mahsulotlarini konservalashdagi texnologik hisoblar. Дарслик.–Тошкент «Фан». 2003 й. 155 б.
4. Жильцов Э.А., Артюхова Т.А. и др. Автоматизация учёта сырья на консервных предприятиях. Учебник.- ПП 1990 г. 386с.
5. В.Л. Яровенко и др. Технология спирта. Учебник.- М.: “Колос”, “Колос-пресс”. Учебное пособие. – 2002 г., – 450 с.
6. Кудрашев А.М. Агеева И.М. Технология вина. Учебник.- Москва. 1993г. 420с.
7. Кишновский З.Н. Технология вина. Легкая и пещевая промышленность. Учебник.- Москва. 1984 г. 366с.
8. Kadirov Yu., Ruzibayev A. Yog'larni qayta ishlash texnologiyasi. Darslik.- Т.: “Fan va Texnologiya”. 2014. -320 b.
9. Qodirov Y.Q. va boshqalar. O'simlik moylari ishlab chiqarish texnologiyasi. Darslik . - Т: “Cho'lpon”. 2014. -320 b.
10. Меледина Т.В. Сырье и вспомогательные материалы в пивоварении. Учебник.- -Санкт-Петербург, Изд-во «Профессия», 2003, 273 С.
11. Ермолова Г.А., Колчева Р.А. Технология и оборудование производства пива и безалкогольных напитков. Учебник.- -М.: Изд-во «Академия», 2000, 416 С.

### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. www.Ziyonet.uz
2. www.edu.uz
3. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
4. [www.mincryst.ru](http://www.mincryst.ru)

**1 маъруза. Тегирмончилик корхоналарида ҳосил бўладиган иккинчи  
маҳсулотларидан рационал фойдаланиш  
РЕЖА:**

1. Дон аралашмаларини чиқиндилардан тозалаш ва унинг технологик сифатини яхшилашда унинг физик хусусиятларининг аҳамияти.
2. Донларни сепарациялашнинг технологик самарадорлиги.
3. Иккинчи даражали маҳсулотларнинг ҳосил бўлиши ва уларни туркумлаш.
4. Иккинчи даражали маҳсулотлардан фойдаланиш самарадорлиги.

**Таянч сўз ва иборалар:** Чиқинди, кепак, 1-2 категория, рационал фойдаланиш, ишлатилиши мақсадлари, тегирмончилик, муртак, витамин, омиҳта ем.

**Дон аралашмаларини чиқиндилардан тозалаш ва унинг технологик сифатини яхшилашда унинг физик**

Республикамиз учун ниҳоятда муҳим бўлган ушбу муаммони ҳал этиш учун озиқ-овқат саноати соҳаларини ҳар томонлама ривожлантириш асосида маҳаллий ресурслардан оқилона, ўта самарали фойдаланиш зарур. Озиқ-овқат саноатидаги энг муҳим соҳа эса ун-ёрма ишлаб чиқариш соҳасидир. Шу сабабли ҳам «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси томонидан сўнгги йиллар давомида маҳаллий буғдой (арпа, шоли ва бошқа дон маҳсулотлари) ва жавдари навлардан юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни қўпайтириш режалаштирилган.

Ун - дон маҳсулоти бўлиб, уни (донни) майдалаб олинади. Агар ун фақат доннинг ички қисмлари (эндосперм)дан тайёрланган бўлса, навли ун деб аталади. Донни қобиқ ва муртаклари билан биргаликда майдалашдан ҳосил бўлган ун эса оддий (жайдари) ун деб аталади.

Ун тайёрлаш учун асосан буғдой, жавдар ва тритикал донлари ишлатилади. Истемолчиларнинг талабларига кўра сули, гречиха, маккажўхори ва арпа донларидан ҳам ун тайёрланади. Турли навли унлар кимёвий таркиблари билан бир-биридан фарқ қиласи.

**1. Дон аралашмаларини чиқиндилардан тозалаш ва унинг технологик сифатини яхшилашда унинг физик хусусиятларининг аҳамияти.**

Қаттиқ жисмли тўкилувчан материалларнинг физик-кимёвий хусусиятларини аниқлашда бир қанча қўрсаткичларга асосланади. Бу қўрсаткичлардан тўғри фойдаланиш мухандиснинг олдига қўйган вазифасига боғлиқдир. Ун ва ёрма маҳсулотлари ишлаб чиқаришда дон асосий хом ашё бўлганлиги учун, технологик жараённинг мазмuni қуйидаги қўрсаткичлардан

самарали фойдаланишни талаб қилади.

- доннинг геометрик тавсифи: катта-кичиклиги, сиртқи юзининг майдони, уларнинг нисбати, доннинг шакли;

- доннинг натура оғирлиги;
- 1000 та доннинг оғирлиги;
- доннинг шаффоғлиги;
- доннинг салмоқ ҳажми ва зичлиги.

### **Доннинг геометрик тавсифи**

Доннинг шакли ва унинг катга-кичиклигига қараб сепаратор, ҳаво сепаратори ва уларнинг ишчи қисмлари, триер ва майдаловчи, оқловчи ва ёрмаларни ажратувчи машиналарнинг технологик чизмалари аниқланади. Ҳажмларнинг нисбати ва доннинг сиртқи юзаси ГТИ жараёнларида муҳим аҳамиятга эгадир.

Доннинг ҳажми қуйидаги формула билан аниқланади:

$$V = K A B l$$

бу ерда: А, В, l - доннинг эни, қалинлиги ва узунлиги.

К - тажрибадан олинган коэффициент;

буғдой, арпа, жавдар ва сули учун К=0,52.

### **Доннинг натура оғирлиги**

1 литр доннинг граммдаги оғирлиги доннинг натура оғирлиги деб аталади. Айрим давлатларда фунта (0,453 кг ёки бушелда) 35,1 деб қабул қилинган. Доннинг натура оғирлигига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: доннинг намлиги, йириклиги, шакли, ифлослиги. Буғдой донининг натура оғирлиги норма бўйича 750 г/л деб ҳисобланади. Доннинг натура оғирлиги 740 г/л дан паст бўлса, ун чиқиши 1% га камаяди.

### **1000 та буғдой доннинг массаси**

Бу кўрсаткич доннинг йириклиги, шаффоғлиги, зичлигига боғлиқ бўлиб, доннинг технологик хусусиятига таъсир қиласи. Агар 1000 та буғдой донининг оғирлиги 40 г дан ошиқ бўлса, уннинг чиқиши 3-5 % дан ортиқ бўлади.

### **Доннинг шаффоғлиги**

Дон тортиш жараёнида шаффоф дондан эндосперм қисми тез ажратилиб, ун сифати эса яхшиланади. Ун тортишда "помол" партиясининг шаклланиши учун шаффоғлиги 50—60% бўлиши мақсадга мувофиқ.

### **Доннинг аэродинамик хусусияти**

Дон аралашмаларидан турли енгил чиқиндиларни ажратишда вертикал ҳаво оқимидан фойдаланилади. Бу чиқиндиларга пишмай қолган дон, қобик, гул қобиғи, хашак, поя синиги каби енгил чиқиндилар киради.

## **2. Донларни сепарациялашнинг технологик самарадорлиги**

Донлардан турли чиқиндиларни ажратиш, ускуналарни тўғри ишлашига

боглиқ. Шунинг учун доннинг кўрсаткичларига асосланиб, элакни тўғри танлаб, ҳаво оқимининг тезлиги ва бошқа омилларни эътиборга олган ҳолда ускуналар танланади. Ускуналардан тўғри фойдаланиб, донларни турли чиқиндилардан тозалаш самарадорлиги орқали аниқланади:

бу ерда:  $T_1$  — дон аралашмасидаги чиқиндилар миқдори, %;

$T_2$  – чиқиндилар миқдори сепаратордан сўнг, %.

Мисол: дон аралашмасида тозалашдан олдинги чиқинди миқдори  $T_1 = 2,0\%$  ни, ундан сўнг эса  $T_2 = 0,4\%$  ни ташкил қиласа, тозалаш самарадорлиги қўйидагича аниқланади:

$$C = \frac{2,0 - 0,4}{2,0} \times 100 = 80\% \quad C = \frac{T_1 - T_2}{T_1} \times 100$$

Яъни, сепараторнинг тозалаш самарадорлиги 80,0 % га тўғри келади.

### **3. Иккинчи даражали маҳсулотларнинг ҳосил бўлиши ва уларни туркумлаш**

Тегирмонларда ун ишлаб чиқариш учун донни тозалаш жараёнида қўйидаги уч категорияли чиқиндилар ҳосил бўлади:

30 % дан 50 % гача дон чиқиндилари (дон синиқлари), майдалари ва бошқалар;

сепаратор қабул қилиб олувчи элагидан ўтмай қолган чиқиндилар, сепараторнинг пастки элагидан ўтган чиқиндилар (2 % дан ошмаслиги керак);

оқлаш ускуналарида ва тозалаш ускуналарида ҳосил бўлган дон чанглари (2 % дан то 10 % гача);

1-жадвалда дон тозалаш цехидаги ускуналарда ҳосил бўлган чиқиндиларнинг нормалари берилган.

Ун заводлари дон тозалаш цехларининг ишчи ускуналари ишлаш жараёнида бутун донларнинг чиқиндиларга араласиб кетмаслиги учун уларни назорат қиласи.

1-буратга 1 ва 2-сепараторларнинг пастки (охирги) элагидан ўтган оқлаш машинасининг чанглари; 1 ва 2-сепараторларнинг аспирацион чиқиндилари юборилади.

2-буратга иккинчи сепараторнинг охирги элагидан ўтган чиқиндилар ва аспирацион чанглар юборилади. Буратларнинг асосий вазифаси чиқиндиларга бутун донларнинг араласиб кетмаслигини назорат қилиш. Буратлардан «сход» бўлиб ўтган маҳсулот сепараторга юборилиб, ундан сўнг умумий массага

қўшилади. Буратларнинг «проход»лари эса валли дастгоҳда майдаланиб, сўнг омихта ем цехларига юборилади.

### **1-жадвал**

Чиқиндилар категорияси	Буғдойдан навли ун олиш жараёнида		Жавлар донидан ун олинганда	Буғдой ва жавдардан ун олинганда
	Ювадиган машина ишлатилганда	Ювадиган машинасиз		
1 ва 2 категорияли	2,7	2,8	3,0	2,0
3-категориядаги чиқиндилар, шу жумладан (механик равишда йўқоладиган микдори)	0,8	0,7	0,7	0,7
Жами	3,5	3,5	3,7	2,7

Дон тозалаш цехларида донларни турли чанг, микроорганизмлардан ювиш жараёнида ҳосил бўлади.

Донларни ювадиган машина ва А1-БСТ ва Б6-БГО шнеклари бир-бир билан боғлиқ ҳолда ишлайди. Дон ювадиган машиналардан сўнг оқар сувлар труба орқали А1-БСТнинг марказий бўлимига юборилади, у ерда турли жараёнлар натижасида тозаланиб, канализацияга тушиб кетади.

### **2-жадвал**

#### **Иккинчи даражали маҳсулотларнинг кимёвий таркиби**

Маҳсулотлар	Оксил	Крахмал ва бошқа углеводлар	Клетчатка	ЁF	Кул
Буғдой кепаги	15-18	30-45	8-12	3-4	4-7
Гуруч кепаги	8-16	45-55	10-15	10-18	10-13
Муртак	25-30	35-45	2-4	8-12	4-6
Қовус	2-3	10-15	35-45	1-2	18-22

#### **4. Иккинчи даражали маҳсулотлардан фойдаланиш самарадорлиги**

Ун-ёрма корхоналарида ҳосил бўладиган маҳсулотларнинг кимёвий таркиби асосида улардан озиқ-овқат ва қандолат, фармацевтика ва

микробиология саноатида кенг фойдаланиш мумкин.

Доннинг муртаги ёғ олиш учун яхши хом ашё бўлиб, айрим мамлакатларда нон тайёрлашда 3-5 % микдорда қўшилади, у алмаштириб бўлмайдиган аминокислота, турли витамин ва микроэлемент-лар билан бойитилади.

Муртак-витамин ва ёғ-моддаларига бой бўлгани учун ундан фармацевтика саноатида фойдаланилади ва болалар таомлари учун ишлатилади. Муртакдан маҳсус омихта емлар тайёрланади.

## **Назорат саволлари**

1. Тегирмончилик саноати 1-2 категорияли чиқиндиларнинг сифатига қўйилган талаблар?
2. Тегирмончилик саноатида озуқавий қиймати юқори бўлган иккиламчи хом ашё ва унинг кимёвий таркибини изоҳланг?
3. Навли ун тортишда ҳосил бўлган кепакнинг сифат қўрсаткичига давлат стандарти бўйича қўйилган талабларни келтиринг?
4. Иккиламчи хом ашё бўлган кепақдан нима мақсадларда ва нима учун фойдаланилади?
5. Кепак таркибидаги уннинг микдори қанча?

## **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

1. Чеботарёв О.Н., Шаззо А.Ю., Мартыненко Я.Ф. Технология муки, крупы и комбикормов. Учебник. - М.: ИКЦ «Март», Ростов н/Д, 2004. – 688 с. (Серия «Технология пищевых производств»).
2. Мерко И.Т. Совершенствование технологических процессов сортового помола пшеницы. Учебник. – М: «Колос», 1979. - 368 с.
3. Додаев Қ.О. Oziq-jvqat mahsulotlarini konservalashdagi texnologik hisoblar. Дарслик.–Тошкент «Фан». 2003 й. 155 б.

## **2 маъруза. Ёрма ва омихта ем саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи махсулотлардан рационал фойдаланиш**

**Режа:**

1. Ёрма заводларида ҳосил бўладиган чиқиндилар ва иккиламчи махсулот турлари ва улардан рационал фойдаланиш.
2. Омихта ем заводларида ҳосил бўладиган чиқиндилар ва иккиламчи махсулот турлари ва улардан рационал фойдаланиш.

**Таянч сўз ва иборалар:** Ёрма, чиқинди, иккиламчи маҳсулот, омихта ем, озуқа, кепак, донли аралашма, синган дон, лузга, гуруч уни.

### **Ёрма заводларида ҳосил бўладиган чиқиндилар ва иккиламчи махсулот турлари ва улардан рационал фойдаланиш.**

Донни қабул қилиш, жойлаштириш ва сақлашда кузатиб туриш. Ёрма заводига қабул қилинадиган, дон стандарт ёрмани чиқиши ва сифатини таъминлаши керак. Ёрма завод лабораторияси қабул қилинган дондан нуқтавий умумлашган ва ўрта намуналар тузиб, уларга таҳлил қилишга тайёрлайди Бунда ёрмабоп донларнинг қуидаги сифат кўрсаткичлари аниқланади: ранги, хиди, мазаси, заарланганлиги, намлиги, ифлослиги, тип таркиби, иириклиги ва текисланганлиги оузилган дон миқдори, пўстлоқ миқдори, мағиз миқдори шунингдек майда дон миқдори.

**Дон ифлослиги.** Ифлослик аниқланаётганда асосий дикқат эътибор минерал аралашма ва тошчаларга қаратилади. Уларни дондан ажратиб олиш қийин. Маржумак, тариқ, шоли донларидан қийин ажralадиган аралашмалар ажратилади. Қийин ажralадиган аралашмаларга маржумак донида ёввойи турп, жавдар буғдой, нохатча, татар маржумаги, тариқда товук тариқи, шоли донида эса сулуй ва курмак киради. Таҳлил пайтида майда ва ривожланмаган, ҳамда бузилган донлар ифлослантирувчи аралашмага киради.

**Доннинг пўстлоқлиги.** Бу шоли, тариқ, сули ва арпа донларида гул қобиқ ва маржумак донида эса мева қобиқининг дон массасига нисбатан фоизлардаги улушкидан иборат. Пўстлоқлик аралашмалардан тозаланган дон учун аниқланади. Бу катталик донда икки марта кетма-кетлика аниқланиб, ўртачаси аниқланади. Пўслоқликни аниқлаш учун турли донлардан турлича ўлчами олинади. Шоли, сули, маржумак учун 50 г, тариқ учун 25 г ўлчами олинади. Бу дастлабки ўлчанма бўлиб улар яхшилаб аралашмалардан тозаланади. Шундан сўнг шоли ва сули донларидан 5 г, маржумак ва тариқ донларидан 25 г дан ўлчаб олиниб пўстлоқлиги аниқланади. Сули доннинг пўстлоғи қўл ёрдамида ядродан ажратилса, маржумак донида қўл ёрдамида

ядродан ажратилса маржумак донида ҳам қўл ёки ВПГ – 1 асбоби ёрдамида ажратилади. Тариқ ва шоли донинг пўстлоғи қўл билан ёки ЛШ-1, ЛУР-1 ва ГДФ-1М, қобиқ арчиш аппарати ёрдамида ажратилади. ГДФ-1М да таҳлил қилганда шолидан 10 г, тариқдан 5 г ўлчами олинади. ЛУР-1 лаборатория қурилмаси. ЛУР-1 русумли қурилма тўплаш циклонидан, дон тўйгич, окловчи ўрнатма, элакли таснифлагич, пневматик ва аспирацион қурилмалардан иборат.

Майда ва йирик аралашмалардан тозаланган 50 г шоли олинниб, оқлаш ва сайқаллаш учун ишчи зонага маҳсулот тўплаш циклонга берилади. Қобиқ ажратгични ишчи орган иккита резина валкадан иборат. Оқловчи ўрнатма абразив юзали конуссимон барабан ва қўзгалмас конуссимон формага эга бўлган элакли обечайкадан ташкил топган. Маҳсулот оқлангандан сўнг сайқаллашга берилиб, майдаланган мағизларни ажратиш учун сараланади. Сайқалланган мағиз ёки ёрмани тахлилга берилади. Бунинг учун иккита 5 г намуна олинниб, улардаги сарғайган мағизлар миқдори аниқланади. Сарғайган донлар миқдори фоизларда ҳисобланади, ҳамда қайта ишлашда олинган лузга ва мучка ҳам ҳисобланади.

Пўстлокларнинг миқдори куйидаги формула бўйича топилади.

$$X_n = \frac{m_1 * 100}{m}$$

бу ерда:  $m_1$ - ажралган пустоқлар массаси, г;

$m$  - дастлабки ўлчаманинг массаси, г.-

Ёрмабоп донларни сифатини баҳолашда пўстлоқлик билан бир қаторда мағиз миқдорининг фоизлардаги ифодаси ҳам муҳим кўрсаткич бўлиб . ҳисобланади.

Мағиз чиқими деб, дон туркумидаги аралашмалар билан биргаликда олинган массасига нисбатан фоизлардаги миқдори тушунилади.

Стандарт бўйича ёрмабоп сули донидаги мағиз миқдори доннинг ифлослантирувчи ва донли аралашмалар ҳамда майда сули билан биргаликдаги массасига нисбатан 63 % дан кам бўлмаслиги керак. Мағиз миқдори (%) куйидаги формула бўйича ҳисобланади.

$$X = \frac{(100 - П)[100 - Иа - Да - Мд - Од - К]}{100} + 0,7(Oд + к)$$

бу ерда;

П - сули донининг пўстлокдилиги, %;

Иа - ифлослантирувчи аралашмалар миқдори, %;

Мд - майда дон миқдори, % - тешик ўлчами  $1,8 * 2,0$  мм ли элакдан ўтгани %

Да – донли аралашма,%

Од – оқланган дон ( $1,8 * 20$  мм ли элак устидаги қолдик),%

Кк – асосий дон таркибига кирувчи буғдой жавдари ва арпа донлари,%

Майда дон микдори ёки йириклик қуйидаги формула бўйича топилади:

$$X_M = \frac{m_1 X}{m} * 100$$

бу ерда:  $m_1$  - майда дон фракциясининг ёки йирикликни аниқлашга мўлжалланган ғалвир қолдиғи таркибида қолган дон (урӯғ)нинг массаси, г;  $m$  - ифлослантирувчи ва донли аралашмалардан тозалангаи ўлчамма таркибида қолган донлар уруғларининг массаси, г

3-жадвал

Тирқиши ўлчамлари, мм

Кўрсаткичлари	Тури			
	Сули	Арпа	Тарик	Маржумак
Йириклиги, баробарлиги(выравненность) (элақда қолгани)	2,2x20 1,8x20	2,8x20 2,5x20	1,7x20 1,6x20	3,0x20 2,0x20
Майда дон (элақдан ўтгани)	1,8x20	2,2x20 2,2x20	1,4x20 1,2x20	2,0x20

Қабул қилинаётган доннинг сифат кўрсаткичлари чекланган кондиция билан таққосланади. Агар намлик, ифлослантирувчи ва донли аралашмалар микдори меъёридан кам бўлса ва уларни меъёрга етказиш шароити мавжуд булсагина, бундай донлар омборга қабул қилинади (жадвал-4).

4-жадвал

Ерма заводларига келиб тушаётган доннинг чегирилган (ограничительные) кондицияси

Кўрсаткич- лар	Тури							
	Арпа	Маржуман	Тарик	Сули	Арпа	Жўх ори	Нўхат	Буғдой
Намлик, %	15,5	14,5/16,5	13,5/ 15,5	13,5/ 15,5	14,5	15,0	15,0	14,5
Ифлос аралашма, %	2,0	3,0	3,0	2,5	2,0	2,0	1,0	1,0
Шунинг ичида:								
Минерал аралашма	0,2	0,2	0,2	0,3	0,2	0,3	0,3	0,3
Майда шағал	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
Зарарли аралашма	-	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	-	0,2

Головни и спорыныи	-	-	-	0,1	0,1	0,15	-	0,1
Горчака, вязеля	-	-	0,02	0,02	0,05	0,10	-	0,05
Кукол	-	-	-	0,2	0,3	-	-	0,5
Заараланган донлар	0,5	0,5	0,5	0,4	0,5	0,5	-	0,2
Донли аралашма	2,0	3,0	6,0	3,0	3,0	2,0	3,0	1,0
Майда дон	-	-	-	5,0	5,0	-	-	-
Тоза магиз, % (камидা)	74,0	71,0	74,0	62,0	-	-	-	-

**Донни омборларга жойлаштириш.** Жойлаштириш учун худди тегирмондаги сингари ИЧТЛ ва технолог томонидан режа тузилади. Жойлаштириш пайтида қуидаги күрсаткичлар ҳисобга олинади; тип ва нави, намлиги, ифлослиги, тоза дон микдори, қийин ажralадиган дон ва майда дон мавжудлиги, қизиган ва намиққан донлар алоҳида жойлаштирилади. Вир тип ва навга тегишли донлар намлиги, ифлослиги ва магиз микдори бўйича жойлаштирилади. Агар жойлаштириладиган дон туркумларининг намликлари орасидаги фарқ 1,5 % дан катта бўлмаса, уларни қўшиш мумкин. Ифлослиги бўйича фарқ 2 % дан катта бўлмаслиги керак. Таркибидаги бузилган донлар микдори 0,5 % гача бўлган дон алоҳида, 0,5 дан 1,0 % гача бўлган дон туркуми алоҳида туркум қилиб жойлаштирилади. Агар бузилган дон микдори 1 % дан қўп бўлса, унда бундай кўрсаткич бўйича ҳар J % интервал учун алоҳида туркум тузиб жойлаштирилади. Ёрма заводларида қайта ишлаш партиясиши тузишда тегирмондагидан фарқли ўлароқ, турли тип ва павларга тегишли донларни қўшиш мутлақо тақиқланади. Аралашмалар таркибига кирувчи компонентлар намликлари орасидаги фарқ 1,0 % дан ошмаслиги керак.

Тарик, гречиха, шоли ва сулини ёрмага кайта ишлашда сифатнинг базис кўрсатгичларига соғ ядронинг чиқиши ва лузганинг таркиби қабул қилинган, шоли учун қўшимча тарзда уруғ қобиғи қизил бўлган донлар тартибланади, сули ва арпа учун эса майда донлар микдори.

5-жадвал

#### Асосий кўрсатгичлар

Махсулот	Соф ядронинг чиқиши, %	Лузга,%	Майда дон,%	Уруғ ва мева қобиғлари, шоли қизил донлари, %
----------	------------------------	---------	-------------	---

Тарик	76	18	-	-	
Гречка	75	22	-	-	
Сули	65	27	5	-	
Шоли	76,5	19	-	-	2

Арпа, нўхат, макажухори ва буғдойни қайта ишлашда базисли тартиб ифлос, донли аралашмалар ва майда донлар микдорига қараб белигланган.

Маҳсулот чиқшини хисобини амалга оширишда куйидагилардан келиб чиқкан холда бажариш керак. Кўзланган ёрманинг чиқши, иккинчи даражали маҳсулотлар ва чиқиндилар, доннинг базисли сифат кўрсагичлари. Бу маълумотлар ёрма технологик жараёнларини олиб бориш ва ташкил қилиш қоидасини белгиланган бўлади.

Шоли ва гречихада майдаланган ёрмани асосий маҳсулотга қўлишади, бошқа маҳсулотларда (тарик, сули, нўхат) уни иккинчи даражали маҳсулотга қўшилади.

### Асосий кўрсатгичлар

6-жадвал

Маҳсулот	Ифлос аралашмалар,%	Донли аралашмалар,%	Майда донлар,%	II - чи тип ноҳатнинг аралашмалари,%	Юмшок буғдойнинг аралашмалари,%
Арпа	1	2	5	-	-
Ноҳот	1	2	5	5	-
Маккажўхори	1	2	-	-	-
Буғдой (қаттиқ)	1	1	-	-	5

Доннинг сифати базис тартибларига мос тушмаган холатлар учун маҳсулот чиқшига чегирма ва устама тартиблари ўрнатилган.

Агар тарик, шоли, гречиха ва сули донида соф ядронинг чиқши базис тартибдан юқори бўлса, унда барча ёрма навларининг чиқшига, оқшоқ ва мучка учун устама ишлаб чикилади, агар унинг таркиби базим нормадан паст булса худди шундай улчамда чегарма ишлаб чикилади. Бу чегарма ва устамалар озука чиқиндиларнинг тартиби узгариши хисобига ишлаб чикилади. Чегирма ва устамалар ёрмаларнинг турига кура фарклаш технологик жараёнини олиб бориш қоидасида белгиланган.

Лузганинг микдори базис тартиблариға мос тушмаса хар бир фоиз учун лузганинг чиқши 0,8% га кўпайтирилади ёки камайтирилади ва мучка озука

чиқиндинг микдори ўзгаргани ҳисобига 0,1% га кўпайтирилади ёки камайтирилади.

Шикастланган донлар 0,5% дан юқори бўлса олий навли ёрманинг чиқиши ўрнатилмайдиган, агарда унинг микдори янада юқори бўлса - унда биринчи навли ёрманинг хам чиқиши ўрнатилмайди. Бунда ҳолатда ёрманинг хақиқий чиқиши тартиб учун қўлланилади.

Тариқ ва гречиха донларида қийин ажralувчи аралашмаларнинг бўлиши сабабли хар бир фоиздан аниқ тартиб олинган шу аралашмалар билан бирга нормал донларининг булиши оқибатида ёрманинг чиқиш тартиби камаяди.

Агар тарик, гречиха, шоли ва сули донларида окланган булса, унда ёрманинг чиқиши бази чиқишига мутаносиб равищда камайтирилади оқшоқ ёрмалар ва мучка ҳисобига.

Сули ёки арпа донларини қайта ишлашда уларнинг таркибида майда донларнинг базис тартибларида кўра кўп бўлса, унда майдонларнинг чиқиши кўпайтирилади озуқавий чиқиндилар чиқиши камайтирилиши ҳисобига.

Майда сули ёки арпа ажратилмаган холатларда ва уларни қайта ишлашга берилса, унда унинг чиқиш тартиби камаяди ва ўлчамда ёрма чиқиши купаяди, бу ўлчам турига мос ёрма чиқариш технологик жараёнини олиб бориш қоидасида белгиланган.

Сули донидан хар бир фоизидан буғдой, арпа ва жавдар донларини ажратиб олиш оқибатида ёрмани чиқиш тартиби камаяди бу майда сулининг чиқишининг ҳисобига.

Арпа, нўхат макажӯхори ва буғдой донларидан ёрма ишлаб чиқаришда чегирма ва устама ифлос ва донли аралашмалар микдорига боғлик ҳолда ишлаб чиқилади. Ифлос аралашмаларнинг микдори базис тартибидан юқори бўлса ёрманинг чиқиши ва озуқавий мучканинг чиқиши камайтирилади чиқиндилар ҳисобига. Донли аралашмаларнинг микдори кўп ёки кам микдорда бўлса ёрма чиқиши камайтирилади ёки кўпайтирилади. Озуқавий чиқинди ва мучка ҳисобига.

Майда нўхатнинг микдори базис тартибдан кўп ёки кам бўлиши ёрма чиқиш тартибини камайтиради ёки кўпайтиради, мучка ва лузга майда нўхат ва озуқавий чиқиндиларнинг пасайиши ёки кўпайиши ҳисобига бир хил улушда бўлади.

Нўхат донида II teng аралашмаларнинг микдори базис тартибдан юқори бўлса окланган нўхат чиқишини камайтиради мучка оқшоқ ва лузганинг чиқиши купайиши ҳисобига.

Қаттиқ буғдойдан Полтавский ёрмасини ишлаб чиқишида юмшоқ буғдой аралашмаларнинг базис тартибдан юқори бўлиши оқибатида ёрманинг чиқиши камаяди ва озуқавий мучканинг чиқиши ортада.

Чиқиши хисоблашда маҳсус бланка қўлланилади-ишлаб чиқариш корпусининг тозалаш натижалари ва донни қайта ишлашнинг натижалари хақидаги акт. Унда биринчи базисли маҳсулот чиқишини ёзиб қўйишади ва доннинг аниқ сифатини. Ундан кейин базис тартибдан ёзилади. Аниқланган фарқга кўра чегирма ва усама қоидада белгиланган тартибга кўра ҳисоб чиқилади.

Маҳсулотнинг ҳисобий чиқиши деб, унда базис тартибдан дон сифат кўрсатгичларининг фарқи ҳисобига устама ва чегирмани ҳисобга олган холда хосил булган ҳисобга айтилади.

Қайта ишланадиган шоли донини сифат кўрсатгичлари: соф ядронинг чиқиши 78,5%. лузга 17%, уруғ қобиғи қизил бўлган донлар 4,0%, бурли донлар 2%, оқланган донлар 5%, ядроси синган ва дарз кетган донлар 4%.

Шоли донининг базис тартидаги сифати куйидагича: соф ядронинг чиқиши 76,5%, лузга 19,0% уруғ ва мева қобиги қизил бўлган донлар 2%.

Гуруч кепагидан фармацевтика заводларида фитин ва бошқа препарати олинади.

### 3-жадвал

#### **Шолидан олинадиган ёрма ва хосил бўладиган чиқиндилар меъёри, %**

Маҳсулотлар	Ёрма	
	оқланган	пардозланган
Гуруч ёрмаси:		
Олий нав ёрма	5,0	10,0
Биринчи нав ёрма	45,0	43,0
Иккинчи нав ёрма	5,0	1,5
Майдалангандиган ёрма	10,0	10,5
Жами ёрма	65	65
Кепак (мучка)	13,2	13,2
1 ва 2 категорияли чиқиндилар	2,0	2,0
Ковус, 3-категорияли чиқиндилар ва уларнинг механик равишда йўналиши	19,1 0,7	19,1 0,7
Хаммаси	100,0	100,0

## Махсулот чикиши

Доннинг сифат кўрсатгичлари	Доннинг аниқ сифати, %	Хисоб – доннинг сифати махсулот чикишига таъсири	ЁРМА, %						Жами маҳсулот, %	Озукавий мучка, %	3 кат чикинилар, лузга ва механик ўйкотишлар.	Сув қочиши, %	Жаъми, %
			Базисли чикиш	Олий нав	Биринчи нав	Иккинчи нав	Майдаланган гурӯч						
		Базисли чикиш	5	45	5	10	65	12,8	2,0	19,5	-	0,7	100,0
Соф ядро	78,5	78,5-76,5 к2	+0, 10	+1, 30	+0, 01	+0,3 0	-	+0,2 0	-2,0	-	-	0	
Лузга	17,0	19,0-17,0 к2	-	-	-	-	-	-0,2	+0,2	-1,8	-	0	
Ургу ва мева қобиқлар ва қизил донлар	4,0	4,0-2,0 к2	- 0,0 1	-0,1 8 0,1	- 0, 01	-0,1 -	-	+0,1	-	-	-	0	
Оқланган донлар	5,0		- 0,5	- 0,5	- 0,5	+2,5		+1,0	-	-	-	0	
Бўр донлар	2,0	2*2/3*0,8к 1,06	-0,1	-0,8 6	- 0,1	+0,5 3	-	+0, 5 3	-	-	-	0	
Сув қочиши	1,7	1,7-0,7к1	-0,0 5	-0,4 5	-0, 05	-0,1 -	-	-0,15	-	-0,2	+0,1		
		Хисобий чикиш, %	4,3 5	41, 21	4, 35	14, 47	-	14, 4 2	2,0	17,5	1,7	100	
Сув қочиши (14,77- 13,3)100/1 0		Аниқ чикиш, %	5,1 0	43, 0	5, 80	12,5 0	-	13,0	1,5	17,40	+1,7	100	
		Меъёрдан четланиш и чикиш, %	+0, 75	+1 79	+ 1,4 5	-1,97		-1,42	-0,5	-0,1	0	0	

2. Ем хом ашёсини кабул қилишдаги назорати ва унинг сифатига

қўйиладиган талаблар.

Омухта ем заводига кслувчи омухта см хом ашёсини лаборатория ходимлари давлат стандартларига таяниб баҳолаптади.

Келаётган ем хом ашёси корхона-жўнатувчининг лабораторияси унинг сифатини қайд этадиган сифат ҳужжатита эга бўлиши керак.

Омухта ем хом аштёсининг ҳар бир турида қўйидаги кўрсатгичлар аниқланади: ранги, ҳиди, ташқи кўриниши, намлик ва таркибида металлмагнит чиқипдилар.

Ранги, ҳиди, ташқи кўриниши. Кунжара ва трот раигини дастлаб майдаланган ҳолда аниқланади.

Бунинг учун 30 г ли тортма олиниб, 0,25 мм ли элақдан ўтадиган бўлгупча майдаланади, суш 10 г маҳсулотни чашкага солиб, птпател билан зичланади, текисланади ва қуннипг ёргуга ранги аниқлапади.

Бошқа турдаги ем хом ашёлар ранги майдаланмаган ҳолда аниқланади.

Ҳамма турдаги ем хом ашёсининг ҳиди дастлабки иситилган маҳсулотда аниқланади. 20 г тортма устига иссиқ (ҳарорати 60 °C) сувдан 2-3 дақиқага қўйилади. Суви ажратилгандан сўнг ҳиди аниқланади.

Хом ашёнинг ташқи кўриниши стандартда кўрсатилган талабларга мос бўлиши керак.

**Намлик.** Кунжара ва шрот намлигини аниқлагтт учун аналитик тарозида 5 г тортма тортилиб, доимий массагача 100-105 °C ҳароратда қуритилади.

Худди шуидай балиқ, краб ва кит уни 1,5-2 г тортмани 100-105 °C, ҳайвонлар уни 1-2 г тортмани 120 °C, қуруқ лавлаги жоми 3-4 г тортмани 100-105 °C ҳароратда қуритиб аниқлапади.

Металлмагнит чиқипдилар. Ем хом ашёсида чиқиндилар ўлчамлари бўйича тақсимланади. Улар икки гурухга бўлинади: 0,5 мм гача ва 0,5 мм дан 2 мм гача ўлчамли заррача.

Кунжара ва шротларда бу чиқиндилар 1 кг намунада аниқланади. Намунани текис юзага тўкиб, 5 мм ли қатлам ҳосил қилипади, сўнг магнит билан энига ва бўйига бир неча марта юрғазиб, металлмагнит чиқиндилар ушланади. Магнитдан заррачаларни ажратиб, намуна аралаштирилади ва шу ишни 2-3 марта такрорланади.

Чиқиндилар оқ варакда лупа билан кўрилади. Шубҳа тўғдирган чиқиндилар шиша таёқча билан эзилади, сўнг яна магнит билан текширилади. Ҳамма металлмагнит чиқиндилар пинцет билан соат ойнасидан ўтказилади ва тортилади. Сўнг уларни ўлчов тўрига (квадрат томони 0,3 ва 2 мм) ўтказилади ва заррачаларнинг кўпроқ чизиқли ўлчами аниқланади.

Кунжара ва шротдаги металлмагнит чиқиндилар микдори қўйндаги формула орқали аниқланади.

$$X = \frac{P - P_i}{1000} * 100$$

бу ерда: Р - чиқинди солинган соат ойпаси оғирлиги, г;  
 $P_i$  - соат ойнаси оғирлиги, г.

Унли маҳсулотлар ҳам шу каби аниқланади, лекин намуна камроқ бўлиб, металлмагнит чиқиндиларга ёпишиб колгаи ун заррачаларини кимёвий эритувчиларда (10 %ли НС1, олтингугурт эфири, бензин ва х.з.) эритиб, чиқинди ўлчамлари 2 ва 0,5 мм элакда элаб аниқланади.

Ем хом ашсисиппг сифати. Стандартда белгиланган чегараланган кондипиядан паст бўлмаслиги керак.

Омухта-емга дони қайта ишлаш учун буғдой, жавдар, нўхат ва жўхори 16 %; арпа 15,5 %; тариқ 15 %; вика 17 % дан ошмаган намлиқда қабул қилинади.

Ифлос чиқиндилар миқдори буғдой, жавдар, иўхат, жўхори ва вика донида 5 %; сули, арпа, тариқ донида 8 % дан ошмаслиги ксрак.

Заарли чиқиндилар 0,2 % дан ошиши тақиқланади. Кукол миқдори 0,5 % дан ортмаслиги керак. Донли чиқинди ҳар турдаги донда 15 % дан ошмаслиги керак.

Ун ва ёрма заводлардан чиқадиган кепак ва ем мучкалари ўртача ранг, ҳид ва мазага эга бўлиши керак. Ачиған ва могоғ ҳиди ва аччиқ ёки нордон маза йўл қўйилмайди. Уларнинг намлиғи 15 % дан ошмаслиги лозим. Заарли чиқиндилар 1 кг да 5 мг дан ошмаслиги керак, шунингдек заррачалар ўлчами 0,5-2 мм бўлса 1 кг да 1,5 мг дан ошмаслиги ксрак. Зааркунандалар билан заарланиши йўл қўйилмайди.

Донли аралашмаларни 17 % дан ошмаган намлиқда ишлатилади. Зааркунаидалар билан заарланиши йўл қўйилмайди. Ифлос чиқиндида йирик чиқинди (диаметри 6 мм ли элақдап ўтган) 3 % дан ошмаган, минерал - 3 % дан ошмаган, шунингдек диаметри 1 мм ли элақдан ўтадиган заррачалар 2 % дан ошмаган ҳолда йўл қўйилади. Заарли чиқинди донга ўхшаб тақсимланади. Мета.плмагнит чиқиндилар 2 мм гача ўлчами 1 кг да 30 мг дан ошмаслиги керак. Ўткир қиррали заррачалар бўлиши тақиқланади.

### **Омихта ем заводларида ҳосил бўладиган чиқиндилар ва иккиламчи маҳсулот турлари ва улардан рационал фойдаланиш.**

Озиқ-овқат саноати чиқиндилари (балиқ, гўпти, шакар ва х.к) аниқ сифатларга жавоб бериши керак.

Балиқ унида туз таркиби 5 % дан ошмаслиги лозим.

Ош тузи. Тузнинг 5 % ли эритмаси шўр ва бегона таъмсиз бўлиши керак. Туз ҳидсиз бўлиши, ранги оқ бўлиши керак, кул рангроқ, сарғиш ва бинафша ранг туслар, кўз илғамайдиган механик ифлосланиши йўл қўйилади. Навига

қараб NaCl таркибида 96,5-99,2 %ни ташкил этади; сувда эримайдиган моддалар 0,05-0,9 %; Ca 0,6-0,8 %; Mg - 0,03-0,25%; Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub> -0,005 % (экстра учун) таркибида экстра учун Na<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> 0,2 % ботттқа навлар учун 0,5 % дан күп эмас. Йодланган тузда KJ 1 т да 25 г пи ташкил этиши лозим. Ош тузи намлиги 0,5-6 % бўлиши лозим. Ҳамма навдаги тузнинг сувдаги эритмаси лакмус қофозига реакцияси нейтралдир.

**Бўр.** Бўрнинг таркибида CaCO<sub>3</sub> ва MgCO<sub>3</sub> А маркасида 98 % дан кам эмас, Б маркасида 95 % дан кам эмас ва В маркасида 90 % дан кам бўлиши керак. Тузли кислотада эримайдиган моддалар А маркаси учун 1 % кўп эмас. Б маркаси учун 2 % ва В маркаси учун 5 % дир. Темир оксиди бўрнинг фақат А маркаси учун тақсимланади 0,2 % дан кўп эмас. Майдаланган бўрнинг намлиги 2 % дан юқори, емники эса 12 % дан юқори бўлмаслиги керак.

Ем хом ашсипи қабул қилишда лаборатория уыи сифатини аниқлайди ва олинган натижаларни, сифат ҳужжатдаги кўрсаткичлар ва рухсат этилган чегарадан четлашиш нормалари билан солиштиради.

Агар чегарадан чиқиш четланиш ўрнатилган меъёрга мос келса, хом аптё қабул қилинади ва ўрнатилгай тартибда микдорий-сифат рўйхати китоблари бўйича кирим қилинади, акс ҳолда рекламация акти тузилади. Яхши сифатсиз хом ашё (дефектли, бегона ҳидли, бузилган кўрсаткичли, моғорлаган ва ҳ.к.) келганда комиссия билан ТКНБ бошлиги иштироқида намуна олинади ва омухта-ем заводига келиб тушган хом ашёдан намуна олиш акти тузилади. Намунани кузатувчи хат билан токсин моддалар йўқлиги ҳақидаги ташҳис учун тахлилга ветеринар-бактериологик лабораторияга юборилади.

Яхши сифатсиз ёки чегараланувчи кондициядан паст сифатли кўрсаткичга эга хом ашёни туширилишига биринчи навбатда жўнатувчи корхонанинг ТКНБ бошлиги жавобгардир.

### **Ем хом ашёсини сақлашда жойлаштириш ва кузатиш тартиби.**

TKNB бошлиги, ишлаб чиқарувчи цех бошлиги ва омбор мудири билан биргаликда хом ашёни жойлаштириш ойлик оператив режасини тузишади. Режани тузища хом ашёни келиши, тегишли омборларни рационал ишлатилиши, сақлаш иншоатининг механизациялангани ва техник воситаларнинг мавжудлиги ҳисобга олинади.Хом ашёни фақат тоза шамоллатиладиган омборларга жойлаштириш лозим. Хом ашё жойлаштиришдан олдин сақлаш иншоатини яхшилаб тозаланади, деразалари тўр билан беркитилади, том, пол, эшик ва деразалар таъмирланади.

Турли хилдаги хом ашё сифатига қараб алоҳида сақланади. Дон ҳудди нон қабул қилувчи корхоналардаги каби элеватор силослари ёки омборларда жойлаштирилади.

Ёмон тўкилувчанлик ва юқори гнгроскопикликка эга кепак, мучка, куруқ

жом, қуруқ барда, жүхори сми ва бошқа хом ашёлар, маҳсус қийин тўқилувчи маҳсулотни чиқариш учун мўлжалланган ускунали силосларда жойлаштирилади.

Кунжара ва шротлар қайси маданият туридан олинганига қараб (кунгабоқар, пахта) ва кўринишига (шнск-зичланган, плиткали ва ҳ.к.) қараб алоҳида жойлаштирилади.

Кунжара ва шротларни сақлаш учун мўлжалланган омборлар тагсиз бўлиши керак. Сақлашда тўкманинг баландлиги 2,5 м дан ошмаслиги керак. Идишда келган кунжара ва шротлар штабелга вагон бўйича 16-20 қоп баландликда жойлаштирилади.

Ҳайвондан тайёрланган смлар қолларга солиб штабелга вагон бўйича 12-14 қоп баландликда жойлаштирилади.

Ўт ва барг унлари қоронғу шамоллатиладиган иситилмай-диган омборларга сақлашга жойлаштирилади. Сақлашда штабсл баландлиги 8-10 қоп билан чегараланади.

Туз ва бўрпи бошқа турдаги хом ашё ва бир-биридан изоляцияланган ҳолда ишлаб чиқарувчи корпус яқинида сақланади. Туз сақлашда юқори гифоскопликлиги натижасида жипслашипти на тўкилувчанлигини йўқотиши мумкин.

Суюқ ем хом ашсси (меласса, гидрол, жўхори экстрант) калибрлантан резервуарларда сақлапади.

**Витаминалар**, антибиотиклар ва микроэлсмитлар ўралган кўринишида қуруқ ва салқин жойда сақланади.

Бир нсча хил хом ашё сақланадиган омборлар уларни аралашибни огохлантирувчи ажратувчи мослама билан жиҳозланган бўлиши керак.

Кунжара, шрот на ҳайвон унларида катта микдорда ёғ бўлгани учун сақлашда жуда чидамсиз.

Кунжара ва шротларнинг намлига ва ҳароратини ошиити ўз-ўзидан қизишга, кислородни жадал етиб боришида, ўз-ўзидан ёнишга олиб келиши мумкин.

Бундай хом ашёни омихта ем заводига туширишда, тушириш даврида ҳарорат кунжара учун  $35^{\circ}\text{C}$  дан юқори эмас, шрот учун эса  $40^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлмаслиги талаб этилади. Бундан юқорироқ ҳароратли хом ашё келган ҳолатда уни сақлашга жойлашдан олдин ҳаво муҳит ҳароратигача совутилади.

Балиқ унида сақлашда 2 хил ўз-ўзидан қизиш бўлиши мумкин: оддий ва кутилмаганда.

Оддий ўз-ўзидан қизиш дарҳол унни қуритишдан сўнг кузатилади, совитиш билан олди олинади.

Кутилмаганда ўз-ўзидан қизиш деб, унни нормал ҳароратда узоқ муддат

сақлаш жараёнида кузатиладиган ўз-ўзидан қизишига айтилади. Ўз-ўзидан қизиши натижасида ун сарғаяди, зичлашади ва тўқ-кул ранг қаттиқ массага айланиши мумкин.

Балиқ унининг ўз-ўзидан қизиши кислороднинг эркин етиб бориши ва сақлашнинг ҳарорати ошишида тезроқ оксидланувчи ёғнинг катта микдорда бўлиши билан содир бўлади.

Худди шундай ёғнинг оксидланиши гўшт -суюк упипи сақлашда ҳам кузатилади.

Фосфатид-оқсилли концентрат ҳам қўп ёғта эга ва шунинг учун сақлашда жуда чидамсиз. Уни 1 ойдан ортиқ сақланмайди.

Ўт ва дараҳт қўкати унлари сақлашда катта эътиборни талаб қиласди. Бу ун таркибидаги каротин сақлашинг ноқулай шароитида парчаланади. Сақлашда 9 ойдан кейин каротин микдори 65 % га камайган ҳолатлари ҳам кузатилган. Ўт уни полиэтилен қопда зич ёпилган ҳолда саклаш тавсия этилади. Каротин қумоқлапган унда яхши сақланади.

Тўкма ҳолда сақланадиган ем хом ашёси ҳарорати юқори, ўрта ва қуйи қатламда текширилади. Шу билан бирга ташқи ҳаво ҳарорати ҳам кузатилади. Кузатиш даврийлиги қўйидагicha:

+10 °C ҳароратдан баланд - 3 кунда 1 марта

О дан 10 °C гача ҳароратда - 7 кунда 1 марта

О °C дан паст ҳарорат - 15 кунда 1 марта

Зааркунанда билан заарланигпи, ҳиди ва ранги ҳам қатлам бўйича назорат қилинади. Агар сақланаётган хом ашё ҳарорати +10 °C дан юқори бўлса 7 куида 1 марта текширув ўтказилади; 0 дан 10 °C гача ҳароратда-15 кунда 1 марта; 0 ° дан паст ҳароратда - 1ойда 1 марта.

Намлик қатлам бўйича 15 кунда 1 марта назорат қилинади.

Ҳайвон еми, кепак, мучка, жом ва бардаларнинг нордонлиги ойда 1 марта текширилади.

Хом ашё бузилиши билан боғлиқ жараёнлар аниқланганда тезда уларнинг олдини олиш чораси кабул қилиниши керак. Сақлашга чидамсиз хом ашёни дархол ишлаб чиқаришга узатиш лозим.

Ем хом ашёси сифатининг кузатув рўйхати маҳсус кузатув журналида ва сақлаш иншоатларида осиб қўйиладиган штабел ёрликларида олиб борилади.

Омихта ем рсцептлари ва алоҳида қўшимчаларпи ингредиснларни алмаштириш қоидаси.

Омихта-ем заводларида омихта-емнинг қўйидаги хиллари ишалб чиқарилади: омихта-см концептлари, оқсил-витаминли қўшимчалар, премикс-бойитувчи аралашмалар ва тўлиқ рационли омихта-емлар.

Омихта-ем концентратлар ҳайвонларга, кўринишига, ёшига ва

ҳайвонларнинг қайси соҳада иптлатилишига ва асосий рацион таркибиға қараб асосий ратщонга қўшимча ҳолда берилади. Қишлоқ хўжаликларида ўзининг дон заҳиралари асосида ишлаб чиқарадиган оқсил-витаминли қўшимчалар омихта-емга киритиш учун мўлжалланган.

Бойитувчи аралашмалар (премикслар) биологик жадал моддалар ва омухта-ем ва оқсил витаминли қўшимчаларга киритиш учун мўлжалланган тўлдирувчи аралашмасидир.

Ҳамма омихта-ем фақат рецепт бўйича ишлаб чиқарилади.

Омихта-ем хом ашёсининг (ингредиентлар) ҳамма хилини 3 та асосий гурухга бўлиш мумкип.

Биринчи гурух - углеводга бой ем хом ашёси - дон, кепак, иккинчи сифатли маҳсулотлар, мучка ва дои қайта ишловчи корхонанинг бошқа хом ашёлари, ҳамда меласса, жўхори еми, мезга, барда, жом, пиво дробилкаси ва ҳ.к.

Иккинчи гурух - катта миқдорда оқсил моддага эга ем хом ашёси кунжара ва шротлар, ҳайвон емлари (гўтпти, қон, балиқ ва кит унлари, см ёғи ва сутли емлар), хамиртуруш ва дуккакли дон экинлари.

Учинчи гурух- минерал моддаларта бой ем хом аштёси оҳак, бўр, чиганок, Саз( $\text{PO}_4$ )<sub>2</sub>, суяқ уни, емли фосфат, емли преципитат, фторсиз фосфат ва ҳ.к.

Бундан ташқари омихта-емга биологик тўла қимматлилигинн ва ҳайвонларнинг емларини аминокислоталар, витамиплар, антибиотиклар, микроэлементлар на ҳайвонларнинг касалланишини огоҳлантирувчи моддаларни юқори ҳазмлилигини таъминловчи микрокўшимчалар киритилади. Ҳар бир рецептга микрокўшимчалардан эса қушлар ва айниқса тўла қимматли ва ҳар хил емга зор қишлоқ хўжалик ёш ҳайвонлар учундир.

Ҳамма рецептнинг асосий компоненти углеводга бой ем хом ашёсидир. Шунинг учун дон, кепак ва дон қайта ишловчи корхонанинг иккинчи сифатли маҳсулотлари рецептга киритиладиган ҳамма хом ашё турларининг 55-65 % ни эгаллайди. Одатда бир рецептга биттадан тўрттагача донли экинлар ва биттадан дон қайта ишловчи корхонанинг иккинчи сифатли маҳсулотидан (кўпроқ кепак) киритилади.

Жўхори сми, меласса ва шакар, ачитиш ва пиво тайёрлаш саноатининг бошқа чиқиндилари кўп бўлмагап миқдорда, ўртacha 5-10 % пи эгаллайди ва айrim рецептларда уларнинг миқдори 25 % гача оширилади.

Рецептда ҳайвонлар емлари 1-10 %, хамиртуруш 2-5 %, кунжара ва шротлар 5-10 % ни ташкил этади.

Омихта-емда каротин, В ва D витаминлари ва минерал моддалар манбаси бўлмиш ўт уни катта аҳамиятга эга. Уни рецептга 1-10 % миқдорида киритилади.

Ишлашни енгиллаштириш мақсадида рецептлар рақамланади. Рецепт рақамлари доимий. У ҳайвоннинг тури ва ёши, ҳамда хўжаликдаги аҳамиятини

хисобга олади.

Рецептда хар бир ҳайвон ёки қушлар учун 10 тадан рақамлар ажратилған. Масалан: товуқлар учун 1 дай 9 гача, куркалар учун 10 дан 19 гача, ўрдаклар учун 20 дан 29 гача, ғозлар учун 30 дан 39 гача, чүчқалар учун 50 дан 59 гача, қорамоллар учун 60 дан 69 гача, отлар учун 70 дан 79 гача ва ҳакозо.

Чегараланған ўнлаб рецептларда ҳайвонларни ишлаб чиқариш гурухларига қараб тартиб сонлари, сонлар етишмаганда эса ҳарфли белгилари белгиланади.

Рецепт рақами ёнма-ён чизикча орқали турған икки сон билан белгиланади. Биринчи сон ҳайвонларпинг тури ва гурухини күрсатса, иккінчиси эса берилған ҳайвон гурухлари учун рецепт рақами. Рақам олдига ТО-түларационли(ПК) омұхта-ем учун ва К - омұхта-см - концентрат учун ҳарфлар қўйилади. Масалан: ТО2-1 1-4 кунлик жўжа учун мўлжалланган тўла рационли омұхта-емдир. К1-2 товуқ учун мўлжалланган омұхта-ем концентратдир.

Оқсил витаминли қўшимчалар рецептлари асосий омұхта-емга ўхшаб, худди шу рақамлар билан белгиланади, лекин охирига ҳарфли белги - ОВҚ (оқсил-витаминли қўшимчалар) қўшилади. Масалан: 51-1 ОВҚ рецепти.

Премикслар ҳам ишлаб чиқаришда қўллаш учун танлаш ва уларни бажарилишини назорат қилиш ТКНБ бошлиғига юқлатилади. Омұхта-ем юқори ташкилотлар режали вазифаси асосида ва хом ашё мавжудлигига қараб рецепт бўйича ишлаб чиқарилади.

Ишлаб чиқаришга белгиланган рецепт омұхта-емга стандарт ёки техник шароитларда кўрсатилған кўрсатгичлар бўйича озуқавийлиги текширилади.

Турли қўринишдаги хом ашёни рационал ишлатиш учун ёки омұхта-ем ва оқсил-витаминли қўшимчани ишлаб чиқаришда унинг йўқлигига рецептда кўрсатилған бир қўринишдаги хом ашёни бошқасига алмаштириш рухсат этилган. Бунда қуйидаги асосий қоидалар ҳисобга олинади:

- -ўзаро амашинувчи ингредиентлар озуқавийлиги ва минерал таркиби бўйича ўхшаш бўлиши шарт;
- -алмашинувчи ингредиент микдори 1:1 микдорда киритилиши шарт;
- -бир ўуринишдаги дондан олинган хом ашёни алмаштиришда омұхта-емга киритишнинг чегаравий нормаларии саклаш лозим;
- -бир ингредиентни бошқасига алмаштиришда мазкур турдаги ҳайвонлар (қушлар) учун ингредиент киритишнинг максимал нормалари ва омұхта-емга хом ашёнинг айрим турларини киритиш бўйича чегаларалаш ҳисобга олиниши шарт.

Алмаштириш озуқавий моддаларнинг умумий микдори, ҳамда протеин микдори ўзгармаслик шарти билан мумкин. Ем хом ашёсининг қуйидаги турлари

ўзаро алмашинади: жўхори дони, буғдой, арпа, сули, тариқ, оқ жўхори, нўхат, соя, чечевица, ем дуккаклари, алкалоидсиз люпин, кунгабоқар соя, ер ёнгок, кунжара ва шротлари, ҳайвон емлари - балиқ, кит, гўшт, қон ва краб уни, қуруқ обрат, бўр, оҳак, чифаноқ уни (ёрма), суяк уни, ем преципитати, фторсиз фосфат. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг ҳамма турлари учун, худди шунингдек қушлар учун омихта-ем рецептида бошоқли ва дуккакли дон экинлари оқшоқ, майдаланган шу дон экинлари, ҳамда қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари учун қуруқ жўхори еми билан алмаштирилади. Кепак ем мучкасига алмаштирилади. Йирик шохли мол ва қўйлар (бузоқча ва қўзичноқлардан ташқари) учун омихта-емга буғдой кепаги ўрнига жавдарники киритилади. Каноп кунжара ва шроти репептдаги бошқа кунжара ва шротлар ўрнига фақат сутли сигир, йирик шохли ёш молларнни боқиш, катта қўй ва қўл балиқлари учун омихта-емга киритишга рухсат этилади.

Пахта кунжарасида эркин госсипол таркиби 0,1-0,2 % бўлганда фақат сутли сигир омихта-емига йирик шохли мол ва отларни боқиш учун қуйидаги микдорда киритилади:

Эркин госсипол, % Рухсат этилган кунжара микдори, %

0,10	20
0,12	17
0,14	14
0,16	13
0,18	11
0,20	

Эркин госсипол пахта шротида 0,02 %, кунжарада 0,06 % дан қўп бўлмаган тақдирда чўчқани боқиши учун омихта-емга бошқа шрот ва кунжара ўрнига 10 % гача киритиш рухсат этилади. Агар пахта кунжарада госсипол 0,06 % дан ошса, чўчқаларни боқиши учун омихта-емда қуйидаги норма бўйича алмаштирига мумкин, %:

Эркин госсипол, %	Рухсат этилган кунжара микдори, %
0,06	10
0,07	8,5
0,08	7,5
0,09	6,5
0,10	6,0

Заарасизлантирилган клещевина шротини фақат йирик шохли мол ва балиқларни боқиши учун мўлжалланган омихта-емда 10 % дан қўп бўлмаган ўлчамда бошқа кунжара ва шротларни алмаштиришда қўлланилади.

Ҳож гулли кунжара ва шротлар ўзаро алмашинади, уларни фақат баликлар учун омихта-емда, рецептда кўрсатилган микдорда киритилади.

Лён кунжараси қүш учун омихта-емда 5-7 % микдорда, пахта шроти эса эркин госипол 0,02 % дан кўп бўлмаган таркибда 5 % микдорда киритиш мумкин.Хом протеин балиқ унида 59 %, гўшт-суюк унида 42 % ва гўшт унида 54 % бўлганда, уларни омихта-емга рецептда кўрсатилган микдорда киритилади.Агар хом протеин таркиби юқорида кўрсатилган кўрсаткичлардан фарқланса, унда омухта-емга киритишда уининг микдори формула бўйича ҳисобланади:

$$X = \frac{XH}{\Phi}$$

бу ерда: X – рецептдаги протеиннинг ҳисобий микдори, %; H - ем унини киритиш нормаси, %; Φ - ем унида протеиннинг ҳақиқий таркиби, %.

Рецептга асосан омихта-емга киритиладиган ҳайвон уни микдорини ўзгаришида ҳоҳлаган ем хом ашёси тури ҳисобига корректировка қилинади. Ем хамиртуруши, балиқ, кит, гўпти-суюк, гўшт ва қои унлари билан таркибидаги протеин бўйича эквивалентда алмаштирилади. Гўшт-суюк ђа гўшт уни қушлар учун рецептдан ташқари ҳамма рецепсларда ем хамиртуруши билан алмаштирилади.Кумоқланган омихта-ем ишлаб чиқариптда ўзининг таркибида меласса тутмаган шўр ёки чучук гидролни, қумоқлашда боғловчи модда сифатида 3-5 % микдорда киритиш мумкин. Тўларационли омихта емда қайнатилган тузнинг микдорий усулда белгиланган умумий таркиби қуидаги нормалардан ошмаслиги керак: 5-60кунлик қушлар учун 0,3 %, 60 кунликдан каттароқ ва катта қушлар учун -0,6 %, 2 ойлик ёшгача бўлган чўчқалар учун - 0,5 %, 4-8 ойлик чўчқалар учун 0,6 %, катта чўчқалар учун - 0,8 %.Омихта-см концентратда тузнинг умумий микдори қуш учун 0,7 %, ҳамма ёшдаги чўчқалар гурухи, йирик шохли мол ва қўйлар учун 1 % дан кўп бўлмаслиги йўл қўйилади.

Агар рецептдан қайнатилган туз нормаси чиқиб кетса ёки камайса унда уни ҳоҳлаган бошқа ем хом ашёси тури билан алмаштирилади.

**Мелассалаш.** Мелассани ёки бошқа суюқ қушимчаларни иситиш температураси техно-кимёвий назорат билан олиб борилади. Асосан омихта-емга меласса кўпроқ қўшилади. Мелассани иситиш ҳарорати 60°C дан ошмаслиги керак. Юқори ҳароратда меласса сифати бузилади. Ҳароратни назорат қилиш учун газли термометрлар ўрнатилади (ТГ-270). Бир вақтни ўзида меласса таркибидан ёд чиқиндилар микдори, назорат қилинади, бу чиқиндилар элакли фильтар-ушлагичларда ушланиб қолган микдор бўлиб, улардаги тешиклар улчами 0,8 x 0,8 мм дир.

Меъёрлаш (дозалаш.) Меъёрлаш микдорини тўғрилигини мелассани сарф бўлишини кўрсатуви ускуна оркали ёки форсункани ишлаб чиқариш микдори билан назорат этиш мумкин. Бунинг учун лаборант форсункадан меласса олиб, уни микдорини ва белгиланган микдордан фарқини маълум бир вақт мобайнида

текширади ва меъёрлашни тўғрилигини аниқлайди. Дозаторларни ишини лаборатория ва ишлаб чиқариш ишчилари назорат қиласи. Дозаторларни тўғри ишлаши турли ҳил турдагн хом-ашёни қўшилиши ва олинаётган маҳсулотни сифати билан аниқлаш мумкин. Хар бир дозатор устида жадвал осилиб унда ускунани ишлаб чиқариш қуввати, ва кайси турдагн хом-ашёни меъёрлаш учун мулжалланганлиги кўрсатилади. Шу билан бирга 1 соатда ва минутда ўтказиш мумкин бўлган миқдор кўрсатилади.

Масалан. 300 т / суткасига ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган заводни ПК 20-1 рецепт асосида тайёрланаётган омикта ем учун тўлдириш тахтаси кўрсатилган.

Заводни кўрсатилган 4/2 қувватидан келиб чиқиб барча дозаторлар 1 соатда 12,5 т хом-ашё, 1 минута эса 208,3 кг узатиб бериш керак. Хом ашёни тақсимлаш 45- жадвалда кўрсатилган.

5-жадвал

#### Хом ашёни турлари буйича тақсимлаш

Хом ашё	Фоизда %	1та дозатор ўтказиш мумкин бўлган хом ашё миқдори, кг, мин
Арпа	20,0	41,66
Жухори	30,0	62,49
Бугдой	16,3	33,95
Кепак	8,0	16,66
Шрот (42%)	3,0	6,25
Дрожжи	3	6,25
Балиқ уни (59.4%)	4,0	8,33
Сuya к уни (44.4%)	2,0	4,17
Туз	3.3 0.4	6.87 0.84
Ўт уни	20,0	20,83
Жами	100	208.3

Хажмли дозаторларни ишини назорати қуйидаги типда олиб борилади: лаборант секундомер буйича вақтни белгилайди ва узи укувчи узатмани клапанини 1 минутга ёпади ва барча маҳсулот йигилади ва тортилади. Агар дозаторни ишлаб чиқиши қуввати катта бўлса тортма олиш вақти 15 секундга камайтирилади. Тўла ишонч ҳосил қилиш учун тортма 2-3 марта текширилади. Олинган маълумотлар буйича тортилаётган хом-ашёни ўртача миқдори ҳисобланади. Ундан кейин факт бўйича рецептдаги миқдори ва унинг меъёрдан намлиги ҳисобланади.

Хом ашёни рецептга  
киритилиш % миқдори

Йўл қўйиладиган  
Чекланма нормаси

30 дан катта	+ 1,5
11-30	±1,0
3-10	+ 0,5
3 дан кам	+ 0,1

Сомонни тортишда чекланиш микдори  $\pm 5\%$  қўшимча ва уларни аралашмаларига  $\pm 3\%$  дир.

### **Назорат саволлари.**

1. Омихта ем ишлаб чиқаришда ишлатиладиган иккиламчи хом ашёларни нималардан иборат?
2. Ишлаб чиқариладиган омихта ем сифатига чиқиндилар ва иккиламчи хом ашёларнинг таъсирини айтинг?
3. Ёрма ишлаб чиқаришда қанақа турдаги иккиламчи ва чиқинди маҳсулотлари чиқорилади?
4. Ёрма саноати чиқинди ва иккиламчи маҳсулотлари нима мақсадларда ишлатилади?

### **Фойдаланилган адабиётлр рўйхати**

1. Жильцов Э.А., Артюхова Т.А. и др. Автоматизация учёта сырья на консервных предприятиях. Учебник.- ПП 1990 г. 386с.
2. В.Л. Яровенко и др. Технология спирта. Учебник.- М.: “Колос”, “Колос-пресс”. Учебное пособие. – 2002 г., – 450 с.
3. Кудрашев А.М. Агеева И.М. Технология вина. Учебник.- Москва. 1993г. 420с.
4. Кишновский З.Н. Технология вина. Легкая и пещевая промышленность. Учебник.- Москва. 1984 г. 366с.

### **З маъруза. Гўшт ва балиқни қайта ишлаш саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш**

#### **Режа:**

1. Гўшт ва балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ҳолати. Чиқитсиз технологияни яратиш асослари.
2. Гўшт ва балиқ саноати иккиламчи маҳсулотларини рационал қайтаишлаш асослари.

**Таянч сўз ва иборалар:** Глицериид, мол ёги, ётишоқлик, йод сони, парчаланиш, оксидланиш, олиш, суяқ, ёғни совутиши, қозон, тиндириши, АВЖ курилмаси, озука уни, совун, конфискат. Гематоген, шифобахи фабрикат, техник маҳсулот, эритроцит, лейкоцит, тромбоцит, альбумин, стабилизация, сочиб қуритиши. қонсизлантириши, тери шилиш, баҳолаш,. Муҳр, категория, фермент.

#### **Гўшт ва балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ҳолати. Чиқитсиз технологияни яратиш асослари**

Хайвонлар суйилгач унинг танаси, калла-почаси ва ички органлари қайта ишланади. Гўшт саноатида бу орган ва тўқималар қўшимча маҳсулот (субпродуктлар) деб аталади. Бу маҳсулотлар барча морфологик белгиларига кўра тўртта гурухга булинади.

1.Юмшоқ ва гўштли маҳсулот (жигар, ўпка, юрак, буйраклар, талоқ, тил, мия, елин, гўшт кесиклари, диафрагма);

2.Суякли қўшимча гўшт маҳсулотлари (қорамолларнинг боши ва думи);

3.Жунли қўшимча маҳсулотлар (корамол оёклари, кулоклари);

4.Шилимшиқ маҳсулотлар (катта қорин, тур қорин, катқорин, ширдон ва ошқозон) шулар жумласидандир.

Кимёвий таркиби туйимлилигига кўра қўшимча маҳсулотлар икки категорияга бўлинади. 1- категория: мия, тил, жигар, бошнинг гўштлари, буйраклар, диафрагма, думи, елин ва гўшт кесиклари киради. 2-категорияга: боши, қулоқ ва оёклари, уруғдонлар, ўпка, катта қорин, кизилунгач гўштлари киради.

Шунингдек чўчқаларнинг ошқозони, талоқ, лаб ва трахеялари хам иккинчи категорияга мансуб хисобланади.

Айрим қўшимча маҳсулотлар (упка, ошқозон деворлари) бириктирувчи толалардан ташкил топган булади.

Баъзи бир қўшимча маҳсулотларда суяқ микдори кўпроқ бўлади. Масалан, бошда 50%, оёкларда 85-90%, думда 80-85% атрофида суяқ булиши аникланган. Ишланмаган кушимча маҳсулотлар узок вакт сакланмайди. Упка, жигар, талоқ, буйрак кабилар 0 С паст хароратда сакланиши талаб этилади.

## **Сержун ва шилимшик пардали қўшимча маҳсулотларни қайта ишлаш**

Жунли маҳсулотларга (кора мол, чучка, куй оёклари, куй ва чучка калласи) ишлов беришни механизациялашга катта эътибор берилган. Бу борада Москва, Санкт-Петербург, Баку гўшт комбинатларида кўп изланишлар олиб борилиб узига хос машиналардан ташкил топган линиялар ишлаб чикилган.

Иссик сув (65-70С) билан ишлов бериб туклардан тозалаш ишчи юзаси қобирғасимон центрифугада олиб борилади (6-8 мин давомида). Сўнгра ювиш барабанида ювилиб оёқларнинг туёғи туёқ кучириш машинасида туёги кучирилиб қўйдириш печига берилади. Печда 1,5-2 мин 800С да колган майда туклари қўйдирилади. Печь бутун узунаси буйича майда тешиклардан иборат пулат труба булиб у 6С нишаб килиб урнатилга ва 1 мин да 14 марта айланади, натжада труба тагидан берилаётган газ алангаси маҳсулотнинг барча ерига тегади ва нишабнинг хисобига маҳсулот тугри ювиш барабанига тушиб совук сувда ювилиб тоза холда қабул килиш идишига тушади. Ошкозон булаклари (катта корин, тур корин, ширдон) хам 65-68С ли иссик сувда ювилиб шилимшик пардаси тозаланиб сотиш ташкилотларига чикарилади. Баъзан уларни 62-68С да иссик сув тулдирилган маҳсус центрифугаларга солиниб, унди 8-12 мин тургач шилимшик пардадан тозаланади.

Агар хужалик (комбинат)да центрифуга булмаса катта коринлар маҳсус тайёрланган очик козонларда парланади ва шилимшик пардаси кул билан ажратиб тозаланади.

Тозаланган, ок рангли катта коринлар суви окиб кетиши учун осиб куйилади, яъни улар селгитилади. Нихоят ишлов берилган катта коринлар музхона (холодильник) ларга ёки совук ташкилотларига жунатилади.

**Ички секреция эндокрин ва фермент хом ашёлари.** Суйиладиган ҳайвон-ларнинг ички секреция хомашёларнинг (безлари)дан фойдаланиш ишлари хам олиб борилади. Бунда асосан: гипофиз, эпифиз, калконсимон безлар, тимус, буйрак усти безлари, ошкозон ости безлари, уругдонлар ва бошкалар кенг фойдаланилади.

Ҳайвон қони озуқа маҳсулоти, шифобахш ва техник фабрикатлар ишлаб чиқаришда қимматли хом-ашёдир. Унинг озқавий қиммати таркибидаги оқсилларнинг миқдори ва сифати билан аниқланади. Қон таркибида 17% оқсил бор, бу гўштдагидан бир оз камдир.

Кондан қонли колбаса, зельц, паштет ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Сочувчи қуритгичлар ёрдамида фибрини олинган ёки стабиллаштирилган йирик мол ва чўчқа қонларидан қуритиб гематоген олинади. Куруқ гематоген таркибидаги оқсили жихатидан гўштга нисбатан 4 баробар,. Тухум, творогга нисбатан 5 баробар устун туради.

М. Маршакнинг билдиришича соғлом одамлар овқатига 30 г қуруқ гематоген қўшиб берилса, унинг умумий иш фаолияти ва (самочувствие) яхшиланади.

**Қуруқ гематоген** - кам қонликда, юмшоқ тўқималар шикастланганда, сужак синганда ва йирингли жараёnlарда қўлланилади.

Сыворотка (қон зардоби)ни қуритиш натижасида тиник озуқавий альбумин олинади, у кондитер саноатида тухум оқи ўрнига ишлатилади.

Кондан ишлаб чиқариладиган шифобахш фабрикатларга гематоген, феррогематоген, шифобахш зардоб (ЛС) ва паректерик (бу икки проепарат одам қони плазмасини алмаштира олади), ундан ташари гидролизат - аминопептид ва Л-103.

Қонни ёки фибринни қуритиб озуқа уни тайёрланади.

Қон тайёрланадиган техник фабрикатларга қора техник альбумин, тиник техник альбумин, сунольбин.

Қора техник альбумин фанерани етиштиришда клей тайёрлаш учун, тиник техник альбумин текстил ва қофоз саноатида, сунольбин саноатида ишлатилади.

### **Қоннинг асосий физик-кимёвий ҳоссалари**

Қон суюқ қисми-қон плазмаси ва шаклли элементлардан иборат. Буларнинг микдори ҳар хил ҳайвонларда турлича: плазма 56,4-72%, шаклли элементлар 28-43,6%.

Шаклли элементларга қизил қон танаchalари - эритроцитлар, оқ қон танаchalари - лейкоцитлар ва қон пластинкалари киради.

Эритроцит тухумсимон шаклда, 60% сув ва 40% қуруқ моддадан иборат. Унинг 90% қизил ранг ҳосил қилувчи гемоглабинга тўғри келади, қолган 10% - фосфатидлар (лецитин) холестериқ, шакар (глюкоза) ва тузлардир. Гемоглабинни эритроцитдан ажратиб плазмага ўтиш жараёнига гемолиз дейилади.

Лейкоцитлар шарсимон юмшоқ ёпишқоқ, осон суриладиган қобиқсиз донача протоплазмадир. Лейкоцитларнинг солиширма оғирлиги эритроцитларга нисбатан бир неча марта енгил, таркибида альбумин, глобулин, нуклео-протеидлар ва энзимлар бўлади.

Тромбицитлар рангизиз, ёпишқоқ, осон ўзгарувчан шаклга эга. Қонни қотишида улар катта хизмат қиласди, кефалин билан боғланган оқсилендан иборат.

### **Қонни ивиши**

Ҳайвонлардан сўйилгандан сўнг чиқкан қон тез ивиб қолади. Йирик моллар қони 0,5 мин. Да, чўчқаларники 3,5 мин. Да ва майдага молларники 2,5 мин. Да ивийди. Уларнинг ивишига асосий сабаб эрувчан плазма оқсили - фибриноген эримайдиган оқсили фибринга айланади.

Агар қон тинч ҳолатда ивиса (аралаштирилмасдан) фибрин иплари қондош

шаклли элементларни (эритроцит, лейкоцит) ўраб он куйқасини ҳосил қиласади.

Қоннинг ивиб қолиши мураккаб физик-кимёвий жараён бўлиб, у охиригача ечилмаган.

Ҳайвон тириклигидаги қон, қон томирлари ичидағилигидаги ивимайди, унга сабаб қон плазмасида ивишга йўл қўймайдиган актитромбин бор (у  $60^{\circ}\text{C}$  гача чидайди,  $80^{\circ}\text{C}$  да парчаланиб кетади, хоссаси бўйича гепаринга ўхшайди). Мол сўйилганда қон томирдан оқиб чиққандан кейин кальций тузи иштирокида тромбокиназа ферменти таъсирида плазмадаги тромбогендан тромбин ҳосил бўлади, у эрувчан фибриногенни эримайдиган фибринга айлантиради ва у чўкмага тушади (куйқа ҳосил қиласади).

Қоннинг ивиш механизмини қўйидаги схемада кўрсатиш мумкин:  
плазма      тромбоцитлар      фибриноген      кальций      ионлари      тромбоген  
тромбокиназа тромбин фибрин.

Қон ивишни турли усуллар билан секинлатиш мумкин: совутиш билан,  $\text{CO}_2$  билан, турли кимёвий моддалар билан. Ивишни секинлатиш - стабилизация 0- қонни қайта ишлаш технологиясида катта аҳамиятта эга.

### **Стабилизация**

Қонни стабиллаш (турғунлаштириш) фибрилашга нисбатан анча фойдали ва у ишлов беришни анча соддалаштиради, қон чиқишини оширади.

Лимон ва пирофосфор кислоталарнинг тузлари қонни турғунлаштирувчидир. Булар 10% ли эритма сифатида 0,24-0,25% қоннинг миқдорига нисбатан қўшилади. Бунда қон 5 кунгача суюқ ҳолда сақланади.

Фосфор кислотасининг натрийли тузи (фиброзол) яхши турғунлаштирувчи ҳисобланади. Бунда қон  $4-5^{\circ}\text{C}$  да 5 кун сақланади.

Колбаса ва кулинар маҳсулотлар учун ишлатиладиган қонни ош тузининг тўйинган эритмаси (300 г туз 1 л сувда) билан турғунлаштирилади. Қоннинг оғирлигига нисбатан 10% қўшилади. Унинг таъсири бир неча соатга етади.

### **Дефибринаш**

Дефибринаш механик усул билан олиб борилади, майдаловчи (дробильный) машиналар ёки қўлда қонни взбивать қилиш билан.

Дефибринаш натижасида қон куйқаси майдаланади ва суюқ дефибринланган қон хом фибрин ҳосил бўлади. Бу қон чангга тушади ва 30 мин давомида фибрин чўкмага тушади, қон чанг юқорисидан қўйиб олинади.

### **Сепаратлаш**

Ликопчали сепараторларда қонни тиниқ зардобга ва шаклли элементларга (эритроцит, лейкоцит) ажратилади.

Сепараторларнинг ликопчаларини айланиши натижасида ликопчалар орасини тўлдирган қон марказдан қочма куч таъсирида солиштирма оғирлиги кам бўлган зардоб марказий канал бўйлаб юқорига кўтарилади, шаклли

элементлар солиширма оғирлиги юқори бўлгани учун барабаннинг деворларига тўпланади.

### **Ҳайвон ёғлари. Ёғ таркиби.**

Ёғлар ҳар хил триглицеридларнинг аралашмасидир.



**R** - ёғ кислоталарининг радикали.

Ёғлар асосан ҳар хил кислотали глицеридлардан иборат, бир хил кислотали глицеридлар жуда кам бўлади.

Ёғларнинг кимёвий таркиби бир хил эмас, ҳатто бир хил молники ҳам. Ёғнинг таркиби молнинг жинсига, ёшига, семизлигига, еми ва сақлаш шароитига шунингдек, ёғ тананинг қаерига жойлашганига ҳам боғлиқ.

### **Ёғларнинг асосий физик - кимёвий хоссалари**

Ёғларнинг эриш температураси бир неча факторларга боғли.

Ёғда анча тўйинган глицеридлар қўп бўлса, унинг эриш температураси шунча юқори бўлади. Молларнинг ички ёғлари остидағига нисбатан тўйинган глицеридларга бой, шунинг учун уларнинг эриш температураси доим юқори. Семиз молларнинг ёғларида тўйинмаган глицеридлар нисбатан қўп бўлгани учун озғинларга нисбатан паст температурада эрийди ва ҳоказо.

Ёғларнинг ҳазм бўлиши уларнинг эриш температурасига боғлиқ. Одам организми томонидан ёғларнинг ҳазм бўлиши: %

Мол ёғи	-	80-94
оле-маргарин мол	-	97 - 98
қўй ёғи	-	80 - 90
чўчқа	-	96 - 98
сариёғ	-	97 - 98

Ёпишқоқлиги (вязкость). Бу ўрсаткич ёғ ишлаб чиариш технологиясида катта аҳамиятга эга ва граду Энглер билан ўлчанади (E).


Қовушқоқлик (E) иссиқлик ўтказувчанликка, тиниш тезлигига ва сепаратлашга таэсир қиласиди. Е температурага боғлиқ. Масалан, мол ва қўй ёғининг  $60^{\circ}\text{C}$  даги  $E = 3,6$   $100^{\circ}\text{C}$  да -  $1,68$

Электр ўтказувчанлик. Тоза ёғ электр токини ёмон ўтказади. Ёғнинг айланиш натижасида эркин ёғ кислоталарининг ҳисобига электр ўтказувчанлик ошади.

Иссиқлик сифими. Температура ошишди билан ошади ва 0,3 дан 0,5 гача ккал/кг град.

Кимёвий ўзгаришлар мұхим ҳисобланади, унинг натижасыда ёғлар айнияды.

Ёғларнинг гидролитик парчаланиши. У сувнинг таъсирида содир бўлиб қуидаги схемада кетади:



Реакция орали маҳсулотлар (диглицерид ва моноглицерид) ҳосил бўлиб кейин гидролизланади. Сувда эрувчан эркин глицерин гидролизнинг охирги босқичида ҳосил бўлади.

Ёғларнинг парчаланиш даражасини кислота сони кўрсатади ( 1 г ёғдаги эркин кислоталарни нейтраллаш учун сарф бўлган KOH нинг мг миқдорига айтилади.

Ёғларнинг оксидланиши. Унинг натижасыда кескин нохуш маза ва хид пайдо бўлади, эриш температураси кўтарилади. Ёларнинг оксидланиши билан парчаланиши бир-бирига боғлик эмас.

Ёларнинг ачиши (прогоркание) мураккаб оксидланиш жараёни бўлиб, натижада ҳар хил моддалар ҳосил блади: перикслар, кичик молекулали ёғ кислоталари, аминокислоталар, альдегидлар, кетонлар, ангидридлар, лактонлар, спиртлар ва чуқур парчаланиш маҳсулотлари - CO, CO<sub>2</sub> ва H<sub>2</sub>O ҳосил бўлади.

Бу маҳсулотлар хаво кислородининг ёғга таъсири натижасыда ҳосил бўлади.

Ёғларнинг оксидланиш занжир реакциясимон кетади. Бошланич босқичда перикслар билан бирга кислородли бирикмалар, оксобирикмалар, минерал кислоталар иштирокида кислоталар ҳосил бўлади.

Ачиш (прогоркание) жараёни альдегидли ва кетонли бўлади. Кетонли ачиш микроорганизмлар таъсирида ва тоза кимёвий йўл билан кетиши мумкин.

Ёғларнинг ачиш даражаси перикс сони билан аниқланади (100г ёғга кислотали мұхитда KJ дан пероксид таъсирида ажralиб чиққан J<sub>2</sub> нинг грамм сонига айтилади).

Ёғларнинг перикс сони 0,06-0,1 бўлса овқатга ишлатиш мумкин. Агар 0,1 дан юори бўлса ишлатилмайди. Ёғларнинг ачиш ёруғлик ва иссиқлик таъсирида кучаяди.

Хом ёғ - озуқа ёғи ишлаб чиариш учун хом ашёдир. Хом ёғ ёғдан, сув, оқсил ва минерал тузлардан иборат. Хом ёғда бу моддаларнинг миқдори бир хил бўлмай наслидан, жинсидан, ёшидан ва молларнинг семизлигидан ем, клиамтик шароитдан ва бошалардан боғлик.

Йирик мол ёғи таркибида каротин бўлгани учун кўпроқ оч - сариқ рангда бўлади.

Ёғ хом ашёсининг миқдори молларнинг семизлигига боғлик.

б-жадвал

Мол турларининг семизлиги	Тирик вазнига нисбатан чиқими, %	
	Йирик мол	Майда мол
Семиз, ёғлик	5,5-7,7	4,4-7,2
Яхши боқилган	4,0-6,5	3,5-5,8
Ўртача	2,5-4,7	2,6-4,3
Етарлик боқилмаган	1,5-2,4	1,6-2,6

Ёғ хом ашёсининг семиз чўчқадан чиқими 4,5-9,5%, гўштли ва бекон туридан 2,5-5,5% ни ташкил қилади.

семизлиқдан ташари моллардан чиадиган ёғ хом ашёси уларнинг ёшига, жинсига, наслига боғлиқ.

Ундан ташқари ёғ хом ашёсининг ўзида ёнинг микдори ҳам юқоридаги факторларга ва мол турига боғлиқ. Энг кўп ёғ чўчқа хом ашёсида, энг ками - қўй хом ашёсида.

7-жадвал

Яхши боқилган моллар ё хом ашёсининг ўртача таркиби

Мол турлари	Ёғ хом ашёсининг таркиби, %		
	Ёғ	намлиқ	оқсил ва бошқа моддалар
йирик мол	89	9,8	1,2
чўчқа	92	6,5	1,5
майда мол	88	10,4	1,6

Ёғ хом ашёсидаги ёғнинг микдорига озуа ҳам таъсир қилади. масалан жўхори билан боқилган молнинг ёғи пичан билан боқилганидан кўп бўлади.

### Қаттиқ ёғ хом ашёси (суяк)

Суяк ёғи ишлаб чиаришда таркибида ёғ кўп бўлган суяклар ишлатилади, кулинария мақсадида ва дирилдоқли (студень) маҳсулотлар тайёерлаш учун ишлатиладиган суяклардан фойдаланилмайди. Асосан йирик мол, баъзи чўчқа суяклари ва агар майда мол обвалка қилинса унинг суяклари ҳам ёғ олиш учун ишлатилади.

Куйидаги жадвалда ёғ олиш учун ишлатиладиган суяклар ва уларнинг таркибидаги ёғ микдори, ишлатилиши кўрсатилган:

8-жадвал

### Йирик мол суяклари

Суяк тури	Ёғ микдори, %	Ишлатилиши
Умуртқа	23-37	Суяк ёғи ишлаб чиқариш «Суповый набор» полуфабрикати

Түш	13-16	Суяк ёғи ишлаб чиқариш елим ва желатин ишлаб чиқариш
Тоз	20,5-24	
Курак	14-15	
Кобирға	11-13	суяк ёғи ишлаб чиқариш
Бел		
Трубка	19	
Эпифиз	32-33	елим ва желатин ишлаб чиқариш; озуқа уни ишлаб чиқариш
Мия		
Пастки жағ	6-9	оёқ ёғи (цевочный) ишлаб чиқариш
Оёқ (олдинги, орқа)	9-9,5	
Умуман	12	
Трубка	7-8	
Эпифиз	14,5-16	
Суёқ суюги	20-22	

### Озиқ-овқат хом ёғини эритиш

Сўйилган мол танасидан ажратиб олинган ҳали совумаган ёғ юмшоқ, зичлашмаган бўлади. У ёмон майдаланади ва ундан ҳайвон танасини ҳиди келиб туради. Ёғ яхши майдаланиши учун уни совутиши керак.

Ёғни совутиш - ифлосликлардан тозалаш ва дезодорациялаш (ёмон ҳидлардан холис қилиш) учун у 3-соатдан кўпроқ вақт давомида совуқ сувда яхшилаб ювилади.

Совутиб ювилган ёғ майдалайдиган аппарат (волчок) ёрдамида майдаланилади. Кейин эритиш учун қозонга солинади. Олов (аланга) билан қиздириалдиган очик қозонда жizzга ва ёғ қуйиб кетмаслиги учун ёғ миқдорига нисбатан 10-25% сув солиб, кейин ёғ солинади ва қозон 95-100<sup>0</sup>гача қиздирилади.

Қозондаги ёғ ва сув қайнashi билан олов пасайтирилади ваг човли билан аралаштирилади. 6-8 соатдан кейин оловни ўчириб ёққа майдаланган ош тузи (солинган ёғнинг вазнига нисбатан 2-3%) сепилади. Туз ёғдаги сувни ўзига тортиб олиб жizzга билан бирга қозоннинг тагига чўкади. Шундай қилиб ёғ тозаланади. Ёғ тиниши ва туз чўкиши учун 2-3 соат вақт кетади. Эритиб тиндирилган ёғ бочкаларга қуилиб беркитилади ёки бошқа қозонга (отстойник) га ўtkaziladi.

Унга иккинчи марта 0,5-1% туз қўшилиб, 4-5 соат давомида тиндирилади.

Хом ёғ буғда эритилганда оловда эритилган ёғга нисбатан чиқими кўп ваг сифати яхши бўлади. Унга кам вақт ва ёнилғи сарфланади. Хом ёғ буғда

эритилгандың көзөн күчли ёки паст бүтән белгілі болады. Бундай көзөнларга 750-1400 кг ёғы сиғады.

Көзөнгө ёғы түлдірилишидан олдин унинг рубашкасы (куйлаги) ичига ҳарораты 75-80% ли иссик сув қойылады ва бу ҳарорат бүтән бирдей тутиб турилады, кейин ёғы қисм-қисм қилиб (солинады) түлдірилады. Ҳар гал ёғы солингандан кейин унинг устига 5-6 кг майдаланган түз солинады. Ёғы эриши давомида аралаштыргыч ҳамма вақт ҳаракат қилиб турады. Көзөнгө ёғни солиши, эритиши ваг ундан чиқарып олиш 3 соат давом этады.

Ёғы эригандан кейин аралаштыгыч түхтатилиб, устига 4-5 кг майда түз сепилады ваг 20-30 минут давомида тиндирилады. Сүнгра ёғнинг тиник қатлами кран, труба ёки насос ёрдамида иккі қават деворли тиндириш аппаратига қойылады. Бу аппаратта ҳам ёғнинг устига 4 кг майда түз сепилиб 4-6 соат давомида ёғы тиндирилады ва идишларга қойылады.

Сүяклар ёғы оловда ёки бүтән ёрдамида қиздириладын очиқ көзөнларда ёки автоклавда эритилады.

Сүнгти йилларда гүшт саноати корхоналарида ҳайвонлар ёғини эритиши учун узлуксиз эритиб турувчи курилмалардан фойдаланилмоқда. Бу борада экспульсион «Титан», АВЖ ваг Де-Лаваль маркалы курилмалардан фойдаланиб келинмоқда. Бу курилмалар ҳайвон ёғини 6-15 минут ичидеги эритиб, сифатлы эритилганды ёғы олиш имконини берады ва у юқори унумдорликка эга. Республикализ корхоналарида АВЖ курилмаси кенг тарқалған.

АВЖ - курилмаси марказдан қочма күчтегі асосланған. АВЖ аппарати (шнекли центрифуга НОГШ - 325, сепараторлар, совутгич, оралиқ идишлар, иситгичлардан иборат.

Ёғы хом ашёсі АВЖ аппаратында майдаланады ва эрийди. Аппарат четлари майда тешикчали барабандан ва барабан таги, қопғогидан жойлашған пичоклардан иборат. Барабан 1 минутда 1450 марта айланады. Барабан текисликка нисбатан бурчак остида урнатылады. Аппараттнинг воронкасында совутилған ёки совутилған ёғы хом ашёсі солинады ва майдаланып айланады. Барабан ичига тушады. Марказдан қочма күч таъсирида барабан деворидаги майда тешиклардан ёғы хом ашёсі янада майдаланып барабан белгілі орасында үтады. Филофта 2 атм. Босимдаги очиқ бүтән белгілі орасында майдаланған ёғы бир зұмда эриб кетады.

Ҳарорати 90<sup>0</sup>C бўлған ёғы массаси труба орқали шнекли центрифугага тушады (центрифуга минутига 3500 марта айланады), ва ёғы массаси суюқ ваг зич фазага ажралады. Барабандаги шнек йиғилиб қолған жizzани (ёғы эригандан сүнг қолған боғловчи тўқума) барабаннинг тор қисмидан ташкарига чиқарып турилады. Суюқ қисми сув белгілі орасында майдаланып барабан белгілі орасында тушады. Бундан ёғы насос ёрдамида иситгич орқали таъминловчи бакка берилади.

Биринчи сепараторда сув ва оқсиллардан тозаланади. Ёғ талаб даражасида тоза бўлиши учун иккинчи ва учинчи сепараторларда ҳам тозаланиб йигувчи идишга тушади. Бу идиш филофли булиб сув ёрдамида совутилади, бироз совуган ёғ совутгич орқали бочкаларга қуйилади. АВЖ қурилмасининг афзаллиги - ёғ эритиш жараёнининг тезлиги, барча технологик жараённинг узлуксизлиги, юкори унумдорлиги (2,5т/соат), олинган ёғнинг юкори сифатлилигидир. Хом ашёга ишлов бериш 7 минутни ташкил этади.

### **Техник маҳсулот (фабрикат)лар ишлаб чиқариш**

Барча гўшт комбинатларида халқ хўжалиги учун муҳим ҳисобланган, ҳайвонлар учун озукабоп маҳсулотлар (гўшт уни, гўшт - суяк уни), саноат учун техник ёвлар, мойлаш учун ишлатиладиган ёғлар, совун, ўғит ва ҳоказолар ишлаб чиқарилади.

Ҳайвонлар учун озукабоп қон уни гўшт ва гўшт - суяк уни оксиленган ниҳоят бой бўлганлиги учун чорвачиликда кенг қўлланилади ва қимматли озиқ қўшимчаси ҳисобланади.

**Техник ёғлар.** Совун ишлаб чиқаришда, кўпчилик ишларида, металлургия ва тўқимачилик саоатида, ҳамда турли хил мойлаш ишларини бажаришда зарур хом ашё ҳисобланади. Ҳайвонларни ёғи турли хилдаги асбобускуна ваг механизмларни мойлашда кенг қўлланилади. Совун - тайёрлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўғит эса қишлоқ хўжаликда фойдаланилади.

Техник маҳсулотлар озиқ-овқат учун яроқсиз бўлган маҳсулотлардан, ветеринар ваг санитария назорати асосида ишлаб чиқарилади.

Техник - ёғлар - таркибида ёғи бўлган маҳсулотларни қиздириш, экстрагирлаш (экстрагирование) ва пресслаш (зичлаш, сиқиш) натижасида олинади. Қуруқ озиқлар ваг ўғитлар таркибида ёғи бўлган маҳсулотларни қайта ишлаш натижасида ёки ёғи бўлмаган маҳсулотларни қайнатиб қуритгач тайёрланади. Мойлаш ишларида фойдаланиладиган ёғлар асосан турли хилдаги ёѓларни суюқ қисми ҳисобланиб, улар маҳсулотни кристаллаштириш ваг пресслаш натижасида олинади.

### **Техник ёғларни ишлаб чиқариш**

Маълумки, гўшт комбинатларини деярли барча бўлим ва цехларида маҳсулотни қайта ишлаш натижасида турли хил чиқитлар чикади. Шу чиқитлар техник ёвлар ваг қуруқ (ем) озиқ тайёрлаш учун асосий ашё ҳисобланади.

Сўйилган ҳайвонларни турига кура улардан турли миқдорда техник ашёси олинади. Масалан, қорамоллардан вазнига нисбатан -5,30%; чўчкалардан - 5,75%; қўй ва эчкилардан 8,2% миқдорда техник маҳсулотлар учун ашё олиниши аникланган.

Қайта ишлаш учун фойдаланиладиган ашё ўзини келиб чикиши ва хусусиятига кура икки гурухга бўлинади.

I - конфискатлар. II - чиқит (отход)лар.

Чиқитлар озиқ - овқат учун яроқсиз ашёдир. Конфискатлар эса асосан ветеринария ва санитария назорати асосида ажратилагн ҳайвон түшлари, нимталари ёки айрим органлар ҳамда гүшт комбинатида нобуд бўлган ҳайвон танаси ҳисобланади. Иккинчи гурухга - асосан ҳайвон организмидаги истеъмол учун яроқсиз ҳисобланган (жинсий органлар, эмбрионлар, ичак бўлакчалари, фиброн, аорта, трахея, ёғ тутқичлардан олинган мой бўлаклари) ашёлар киради.

Инфекцияли ашёлар - ҳайвон танаси нимтаси, ички органлари ҳисобланиб, улар юқумли касаллиги (куйдирги, қора сон, чума ваг ҳоказо) булган, инсонлар учун хавотирли ҳисобланган маҳсулотлардир. Бундай маҳсулотлар маҳсус аппаратлар ёрдамида санитарлик сўйиш хоналарида шаҳар ҳайвон чиқитлари заводларида кайта ишланади ёки ветеринария - санитария талабига қўра куйдириб юборилади.

Таркибида ёғ миқдорини оз-кўплигига кўра ашёлар З гурухга бўлинади.

1. Ёғсиз ашёлар.
2. Ёғли ашёлар.
3. Серёғ ашёлар.

Биринчи ва иккинчи гурух - таркибида елим моддасини оз-кўплигига кура кенжга гуруҳларга бўлинади.

Таркибида 5% гача ёғи бўлган ашёлар ёғсиз маҳсулот ҳисобланади. Улар - жигар, ўпка, талоқ, эмбрион, бачадон, ёш бузоклар ичаги, колбаса цехидан чиққан чикитлари, фибрин ваг суюклардан иборат.

Таркибида 5% дан 20% гача бўлган маҳсулотлар ёғли хом ашё ҳисобланади. Бу гурухга - ичак кесиклари, фойдаланишга яроқсиз ичаклар, брак қилинган юрак, ҳикилдок, ошқозон, қўй оёқлари киради.

### **Тайёрланган маҳсулотга бўлган талаблар**

Ҳайвонлардан тайёрланган техник ёғлар З хил навга бўлинади:

Уларнинг нави барча хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда булади. Жумладан, ранги, таркибидаги сув миқдори, эфирда эримайдиган моддалари ваг асосан, ёғ кислотасини қотиш ҳарорати (ёғ титри) муҳим ҳисобланади.

I - нав ёғ - оқ ёки сарғиши рангли, кислоталилиги 34 гача титрланганда 10 гача бўлган, сув миқдори 0,5% гача бўлиши мумкин.

II - нав ёғ - оч жигарранг рангли, кислоталилиги 25 гача сув миқдори I - навнидек бўлиши мумкин.

III - нав ёғ - тўқ жигарранг рангли сув миқдори 1,5% кислоталилиги ва титри меъёрланмайди.

Таркибида ёғи бўлган маҳсулотлардан техник ёғ олиш учун олдин уни дастлабки тайёрлашдан ўтказилади, сўнг уни ёғи олиниб тозаланади. Дастлабки тайёрлаш ишлари: қабул қилиш навларга булиш, майдалаш ва ювиш

тадбирларидан иборат.

Маҳсулотдан ёғ олиш учун иссиқлик таъсирида ишлов бериш, сиқиш, пресслаш ваг центрифугалаш, хамда эритма таъсирида экстригирлаш (экстрагирования) тадбирлари амалга оширилади.

Ёғни тозалаш учун уни тиндириб қўйиш, ювиш, сепаратлаш, нейтраллаш ишлари олиб борилади. Тозаланган ёғ 50-55<sup>0</sup>C ҳароратда тоза ва мустаҳкам бочкаларга 200 кг дан қилиб қуйилади, тортилади, номерланади, муҳрланиб сақлаш учун жўнатилади. Бунда ёғни сифати ва лабораторияда текширилганлиги натижалари тўғрисида ветеринария гувоҳномалари ҳам бўлиши талаб этилади.

### **Назорат саволлари**

2. Хушузлантиришнинг аҳамияти ва усуслари.
3. Тери шилишнинг босқичлари.
4. Йирик ва майда мол гўштини баҳолаш.
5. Ички секреция ва фермент хом-ашёларини йиғиши.
6. Қонни ишлаб чиқаришдаги аҳамияти.
7. Қон таркибидаги оқсиллар.
8. Бирламчи ишлов бериш, стабилизация, дефибринлаш.
9. Қуритиш усувлари.
10. Ҳайвон ёғининг таркиби ва унинг ўзгариши.
11. Ёғларнинг физик хоссалри.
12. Ёғларнинг кимёвий таркиби, ўзгариши ва асосий сифат кўрсаткичлари
13. Ёғ ишлаб чиаришда ҳайвон суюкларидан фойдаланиш.
14. Хом ёғни совутиш ваг унинг аҳамияти.
15. АВЖ қурилмасида ёғ эритиш технологияси.
16. Техник ёғ олиш ваг ундан фойдаланиш.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

1. Kadirov Yu., Ruzibayev A. Yog'larni qayta ishlash texnologiyasi. Darslik.-T.: “Fan va Texnologiya”. 2014. -320 b.
2. Qodirov Y.Q. va boshqalar. O'simlik moylari ishlab chiqarish texnologiyasi. Darslik . - T: “Cho'lpon”. 2014. -320 b.

## **4 маъруза. Сутни қайта ишлаш саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш**

### **Режа:**

1. Сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳолати ва ҳажми. Чиқитсиз технологияларни яратиш асослари.
2. Сут саноатидаги иккиламчи маҳсулотларни рационал қайта ишлаш асослари.

**Таянч иборалар:** Ёғсизлантирилган сут, зардоб, казеинатлар, копреципитаторлар, ардоб, казеин, озикавий казеинатлар, ардоб ичимликлари, ардоб консервалари, куритилган кандли ардоб, куритилган сут зардоби.

### **Сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳолати ва ҳажми. Чиқитсиз технологияларни яратиш асослари.**

Творог, сариёг ва пишлок олингандан кейин ёғсизлантирилган сут, ардоб ва зардоб колади. Булар жуда кимматли иккиламчи сут маҳсулотлари. Бундай маҳсулотлар уз таркибига сутдаги барча моддаларни саклайди.

Соф сутдаги курук моддаларнинг 50 % сут зардобига утади. Бунда сут кандининг деярли хаммаси ва сут оксилиниң 30 % утади. Агар ёғсизлантирилган сут ва ардоб таркибида барча сут оксиллари сакланса, сут зардобида факат альфа - лактоглобулин, бета - альбумин ва иммуногло-булинлар бўлади.

Иккиламчи сут маҳсулотларида сут ёги кам утади. Сут ёгидаги ёг шарчаларининг улчами 0,5 дан 1 мкм гача булади.

Соф сутдаги барча минерал моддалар ёғсизлантирилган сут, ардоб ва зардобга утади.

Иккиламчи сут маҳсулотлари таркибига соф сутнинг асосий кисмларидан ташкари фосфатидлар, оксилсиз азотли бирикмалар, витаминлар, ферментлар, гормонлар ва бошка бирикмалар хам утади. Булар орасида фосфатидлардан лецитин алохида урин тутади. Лецитин ардобда купрок булади. У организмда холестерин алмашинувини мувозанатлаширади.

Иккиламчи сут маҳсулотларининг кимёвий таркиби куйидаги жадвалда келтирилган.

#### **Иккиламчи сут маҳсулотларининг кимёвий таркиби**

**9-Жадвал**

Сутнинг таркиби	Ёғсизлантирилган сут	Ардоб		Зардоб	
		чучуги	нордони	пишлок зардоби	сузма зардоби
Ёг, %	0.05	0.2-0.6	0.3-0.35	0.3-0.6	0.3-0.5

Оксил, %	3.2	3.2-3.4	3.3-3.4	0.9-1.0	0.7-1.4
Сут канди, %	4.8	4.8-4.9	4.2-4.5	4.5-4.9	4.2-4.6
Минерал тузлар, %	0.7	0.7-0.75	0.75-0.8	0.5-0.7	0.4-0.6
Умумий курук модда, %	8.75	8.9	8.8 5	6.7	5.6
Каймоги олинмаган сутдаги курук модда микдорига нисбатан % хисобида	70	70	70	50	45
Витаминлар, мкг/кг					
B <sub>2</sub>	1783	2020	-	2030	-
C	2300	1700	-	4700	-

Каймоги олинмаган меъёри сут таркибида мавжуд булган курук моддаларнинг 45-70 % кисми иккиласми сут маҳсулотларида колиб кетиши жадвалдан куриниб турибди.

Шундай килиб, иккиласми сут маҳсулотлари биологик киммати жихатдан соф сутдан колишмайдиган тулакимматли маҳсулотдир. Бундай тулакимматли маҳсулотлар пархезбоп маҳсулотлар тайёрлашда ишлатилади.

Ёғизлантирилган сут, ардоб ва зардобнинг физик холати куйидаги жадвалда келтирилган.

9-Жадвал

Маҳсулот номи	Зичлик, г/м <sup>3</sup>	Ковушкоклик, Па.с.10 –3 даражада	Иссилик утказ. кж/кг.К	Энергетик киммати	
				кж %	
Соф сут	1027-1032	1,3-2,2	3,90	2805	100
Ёғизлантирилган сут	1030-1032	1,71-1,75	3,98	140	51
Ардоб	1029-1035	1,65-1,70	3,94	1599	58
Зардоб	1022-1027	1,55-1,66	4,8	1013	36

Ардобнинг зичлиги унинг сифат курсаткичи хисобланади. Агар зичлик курсатилган ракамдан паст булса, у холда ардоб таркибига сув кушилган булади.

Буларнинг таъми хар хил булиши билан бирга таркиби жихатидан хам бирбиридан фарқ килади. Нордон зардобда чучук зардобдагидан фарқ килиб меъда ширасидаги кислоталарни купайтирадиган ферментлар ва дизенфекцияловчи хоссаларга эга булган сут ачитки бактериялари бор.

Сариёг ишлаб чикарилгандан кейин коладиган ардоб таркиби жихатидан ёғизлантирилган сутдан кам фарқ килади, лекин озиклик ва шифобахшлик хоссалари жихатидан ундан куп даражада устун туради. У меъда ичик

касалликларида шифобаҳш таъсир курсатади.

Ардобдан тайёрланган сузма атеросклероз билан оғриган ва ёши кайтиб колган кишиларга жуда фойдали булади. Ардобнинг пархезбоп ва шифобаҳш хоссалари шунга боғлиқки, унинг таркибида купгина турли хил моддалар биринчи галда лецитин, лецитин оксил, комплекс ва туйинмаган ёг кислоталари булади. Сариёг олиш жараёнларида лецитин оксилли моддаларнинг талайгина кисми ардобга утади. Лецитин эса организмга холестерин алмашинувини бошқариб туради. Ардобра ёг кам, лекин у биологик жихатдан жуда кам кимматли туйинмаган ёг кислоталаридан иборат булади. Бу моддалар холестериннинг осон эрийдиган бирикмаларига айланиб, организмдан чикиб кетишини тезлаштиради. Ана шу ёг кислоталари кон томирларига хам фойдали таъсир курсатиб, уларнинг эластиклигини оширади ва юрак тож томирлари трамбозининг олдини олади.

Барча турдаги иккиламчи сут махсулотининг энг кимматли кисми оксилидир. Бирок бу оксилининг куп кисми ёғсизлантирилган сут билан бирга хайвонларга берилади.

Ёғсизлантирилган сутдан хозир овкатга ишлатиладиган зрувчи концентратларни казеинатлар, казецитлар ва копреципитатларни саноат йули билан ишлаб чикаришга киришилди. Буларда ёғсизлантирилган курук сутдагига караганда оксил 2.5 барабар купрок, лактоза эса 50 барабар камрок булади.

Казеинатлар натрийли ва кальцийли казеин тузларидир. Булар казеиндан фарқ килиб эрийдиган булади. Улар музкаймок, ёг эмульциялари, болалар овкатига ва пархез овкатга мулжалланган махсулотлар ишлаб чикаришда эмульцияловчи хамда стабилловчи моддалар сифатида ишлатилади.

Казецитлар цитрат казеинатлардир. Уларда оксилендан ташкари яна минерал моддалар етарли микдорда калий, натрий, ва магний цитратлари бор. Улардан болаларга мулжалланган овкатларни оксиллар билан бойитиш учун фойдаланилади.

Биологик жихатдан юкори баҳоланадиган учинчи концентрат копреципитатларидир. Казеинатлар билан казецитлардан фарқ килиб, уларнинг таркибида барча оксиллар, яъни зардоб оксиллари хам бор. Уларнинг биологик киммати тухум оксилига нисбатан 112 % ташкил этади. Соя оксилларини 1:1 нисбатда зардоб оксиллари билан аралаштириб бериладиган булса уларнинг озиклик киммати янада ошади.

Копреципитатлар казеинатларга караганда камрок эрийди, лекин сувни яхширок бириктириб олади. Копреципитатлар барча озик-овкат махсулотларидаги казеинатларнинг урнини боса оладиган кимматли бирикмалардир.

Зардоб концентратлари нонвойлик, кандолатчилик саноатида, гушт ва сут

саноатида муваффакият билан ишлатилмокда. Зардобнинг кенг ассортиментдан табиий сузма зардобидан тортиб то шампангача булган турли хил ичимликлар тайёрланади. Унинг оксиллари ва углеводларидан болаларга мулжалланган махсулотлар ишлаб чикариш учун фойдаланилади.

Хозирги пайтда сут зардobi нон-булка махсулотлари ишлаб чикаришда хам ишлатилмокда. Сут зардobi ноннинг алмаштириб булмайдиган аминокислоталар, эрувчан оксиллар, кальций ва фосфор тузлари билан бойишига ёрдам беради. Бундан ташкари, зардоб хамир тайёрлаш жараёнини тезлаштириб, хамиртуруш таъсирини кучайтиради, ноннинг ясалиши ва ташки куринишини яхшилайди.

Чет элларда шоколад, конфет, хамирли кандолат махсулотлари ишлаб чикаришда курук ва куюклаштирилган зардобдан фойдаланилади.

### **Ёғизлантирилган сут ва ардобдан тайёрланган махсулотлар ишлаб чикариш технологияси**

#### **Ёғизлантирилган сут махсулотлари**

**Казеин.** Казеин ишлаб чикариш технологик жараёнлари қуйидаги кетма-кетликда боради:хом ашёни кабул килиш ва унга дастлабки ишлов бериш;казеинни коагуляциялаш,зардобни ажратиш;казеинни ювиш ва куритиш. Ёғизлантирилган сут 25-30°C хароратгача киздирилади ва доналар хосил килиш учун аппаратга юборилади. Бунда ёғизлантирилган сутга (сут огирилигига нисбатан 3-5 %) сут ачитки бактерияларидан тайёрланган тоза культурали закваска солинади ва 10-12 соат ивитешга куйилади. Ивиган қуйкага иссиклик ишлов берилади, яни кайнатилади. Қуйкага иссиклик ишлов беришдан олдин у кубик шаклида кесилади. Харорати 40-50°C гача кутарилгунча киздирилади. Иситилган қуйка аралаштирилади ва яна харорати 60-6°C гача кутарилади. Сунгра киздириш тухтатилади ва 10-15 минут пишлок доналари тайёр булгунча аралаштириллади. Доналар хосил булгач, махсулот тиндирилади ва зардobi ажратилади. Зардobi ажратилган доналар сув билан ювилиб хул казеин олинади. Таркибида оксил булмаган чикиндилар: сут канди, сут кислотаси, туз ва ёгнинг бир кисмидан тозалаш максадида казеин ювилади. Казеинни уч маротаба ювиш тавсия этилади. Биринчи марта харорати 35-40°C булган илик сувда ювилади. Иккинчи марта 20-25°C хароратли сувда ва учинчи марта совук сув билан ювилади. Ювилгандан сунг казеин таркибида 80 % сув булади. Шунинг учун таркибида 12 % сув колгунча у аввал прессланади, сунгра куритилади.

**Озикавий казеиннатлар.** Казеин ёки ёғиз сузмага натрий гидроксиди ёки натрий тузи таъсир эттирилиб сувда эрийдиган оксилли махсулот (казеинат) олинади.

Гидроксид натрий ёки натрий тузининг таъсири натижасида казеиннинг кислотали гурухи узига натрийни бириктириб олади. Натижада казеин натрий

казеинатга айланади.

Казеинат гушт ва сут саноатида оксилли күшимча сифатида кулланилади. Казеинатларнинг куйидаги турлари ишлаб чикарилади: оддий натрий казеинат ва ферментлаштирилган натрий казеинат.

Оддий казеинат ишлаб чикариш учун идишга харорати 60-65°C булган сув солинади. Сувга натрий гидроксиди ёки натрий гидрокарбонати ва майдалангандан казеин күшилади. Аралашма 70-75°C хароратгача киздирилади ва шу хароратда 20-25 минут доимий аралаштирган холда сакланади. Олинган казеинат эритмаси пуркаш усули билан қуритилади.

### **Ардоб маҳсулотлари**

**Ардоб ичимликлари.** Ардобдан янги ва ивитилган ичимликлар тайёрланади.

Янги ичимликлар-ардоб, тулдиргич ва каймоқдан тайёрланади. Уни тайёрлаш технологик жараёни куйидагича: хом ашёни кабул килиш ва дастлабки ишлов бериш, уни меъёрлаштириш, тулдиргичлар солиш, пастерлаш, гомогенизациялаш, совутиш ва кадоклаш.

Ардоб 74-76°C хароратда 18-20 секунд пастерланади. Сунгра 3-5°C хароратгача совутилади ва кадокланади. Тайёр маҳсулот харорати 8°C булган биноларда 36 соатгача сакланади.

Ивитилган ичимликлар тайёрлаш учун нордон сариёг ишлаб чикаришда хосил булган ардобга пастерланган каймок ва закваска кушиб тайёрланади. Тайёр маҳсулотнинг таъми сут-ачитки маҳсулотига хос, консистенцияси сметана куринишида булади. Ивитилган ичимликлар таркибида 1 % ёг; 8,5 % курук ёғсизлантирилган модда булади. Кислоталилиги 85-110°Т га teng.

**Ардоб консервалари.** Ардобдан купрок муддатда саклаш максадида консервалар тайёрланади. Буларга: куюлтирилган кандли ардоб, курук ардоб киради. Таркибдаги ёг микдори меъёрлаштирилган ва курук ёғсизлантирилган сут колдигини кандли киём билан аралаштириб ва куюлтириб куюлтирилган кандли ардоб тайёрланади. Тайёр маҳсулот таркибида 30 % намлик, 44 % сахароза ва 3,5 % ёг булади. Булар нон ва кандолат маҳсулотлари пиширишда кулланилади.

Курук ардоб янги хосил килинган ардобни вакуум аппаратда куюлтириб ва сунгра қуритиб олинади. Курук ардоб таркибида 5 % ёг ва 5-7 % намлик булади. Қуритилган ардоб кайта тикланган сут ва тулдиргичли сариёг ишлаб чикаришда, нон ва кандолат маҳсулотлари пиширишда ишлатилади.

Курук ардоб ишлаб чикариш технологияси: ардоб 85-87°C хароратда 10 секунд давомида пастерланади. Сунгра пастерланган ардоб таркибида курук моддалар микдори 38-42 % колгунча куюлтирилади ва пуркаш усули билан қуритилади. Қуритилган ардоб халтачаларга солиб кадокланади. Курук ардоб

харорати 10°C ва хавосининг нисбий намлиги 70 % булган биноларда 6 ойгача сакланади.

## **Сут зардобидан тайёрланган махсулотлар ишлаб чикариш технологияси**

### **Сут зардobi махсулотлари**

Куюлтирилган ва куритилган махсулотлар. Пишлок ва сузма тайёрлашда хосил килинган зардандан куюлтирилган сут зардobi ишлаб чикарилади. Бундай махсулотлар таркибида 40-60 % гача курук моддалар булади.

Куюлтирилган сут зардobi тайёрлаш учун зардоб 72°C хароратда 15 секунд давомида пастерланади. Пастерланган зардоб вакуум-буглатгич аппаратида куюлтириллади ва 8-10 ° хароратгача совутилиб кадокланади.

Куритилган сут зардobi тузсиз пишлок ва сузма ишлаб чикаришда хосил килинган зардандан тайёрланади. Бундай зардоб вакуум аппаратларда куюлтириллади. Сунгра пуркаш ва плёнка усулида куритилади. Куритилган сут зардobi халтачаларга солиб кадокланади.

### **Назорат саволлари**

1. Иккиламчи сут махсулотларига нималар киради?
2. Иккиламчи сут махсулотларининг шифобахшилик хоссалари нимада?
3. Концентрат оксилларига нималар киради ва уларнинг ахамияти нимада?
4. Зардоб концентратининг ахамиятини нимада?
5. Казеин кандай хосил килинади?
6. Ардоб ичиликларига нималар киради?

## **5 маъруза. Консерва саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш**

### **Режа:**

1. Консерва саноатининг бугунги кундаги ҳолати ва ишлаб чиқариш ҳажми.
2. Консерва саноатидаги иккиламчи маҳсулотларнинг қайта ишлаш ҳолати.
3. Бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган консерва маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлик мезонлари таҳлили.

### **Консерва саноатининг бугунги кундаги ҳолати ва ишлаб чиқариш ҳажми.**

Маълумки, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари йилнинг муайян мавсумида етиширилади, шу сабабли уларни узоқ вақт сақлаш ва қайта ишлашни ташкил қилмаган ҳолда аҳолини йил бўйи турли маҳсулотлар билан таъминлаш масаласини ҳал қилиб бўлмайди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўпайган сари уларни сақлаш ва қайта ишлаш ҳам такомиллаштирилмоқда. Янги замонавий ихчамлаштирилган қайта ишлаш корхоналари ташкил қилинмоқда.

Сабзавот ва мевалар тез бузиладиган маҳсулотлар ҳисобланади. Шу сабабли уларни узоқ муддат сифатли сақлаш учун қайта ишланади. Қайта ишлашнинг асосий мақсади тез бузиладиган мева ва сабзавотларни узоқ вақт ундаги витамин ва бошқа қимматли таркибий қисмларини сақлаш ҳамда уларда турли хил микроорганизмлар ривожланишининг олдини олишдан иборатdir. Сабзавот ва меваларни қайта ишлаб халқнинг уларга бўлган талабини йил бўйи қондириш мумкин. Мева ва сабзавотларни илмий асосланган ва хар бир регионнинг табиий ресурсларидан унумли фойдаланадиган қайта ишлаш усувларини жамоа хўжаликларига кенг жорий этиш етиширилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги йўқотишини кескин камайтиради ва мевачилик ҳамда сабзавотчилик хўжаликларининг иқтисодиётини кескин кўтаришга ёрдам беради.

Сабзавот ва меваларни қайта ишлаш натижасида ишлаш усулига қараб бир қатор қўшимчалар - туз, шакар, зиравор қўшилмалари, кислота, сирка кабилар

тавсия этилган меъёрда қўшилади. Бу қўшилмалар мева ва сабзавотлар таркибидаги витамин ва бошқа физиологик актив моддаларни сақлаган ҳолда уларнинг калорияси, таъми ҳамда хушбўйлигини анча оширади.

Сабзавот ва меваларни қайта ишлаш усувлари уларда биологик ва физиологик жараёнларни тўхтатиб, фитопатоген микробларни бутунлай йўқотиб, маҳсулотларни ташқи муҳит билан алоқасини узишга қаратилган. Сабзавот ва меваларни қайта ишлаш усулини маҳсулотнинг турига, етиштирилган регионга, уларнинг кимёвий таркибига ва бошқа бир қатор кўрсатгичларга қараб танлаш лозим. Сабзавот ва мевалар асосан физикавий, микробиологик ва кимёвий усувларда ишланади.

Баъзан микробиологик усулда қайта ишлашни биокимёвий қайта ишлаш деб юритади. Инспекциялашда хом-ашё кўздан кечирилиб, таркибидаги қайта ишлаш учун яроқсиз ҳисобланган қисмлар (заха бўлган, муғорланган, нотўғри шаклдаги, етилмаган ва ҳоқазо) ажратилади. Инспекциялаш баъзан алоҳида жараён сифатида, баъзан навларга ажратиш жараёни билан қўшиб ўтказилиши мумкин. Инспекциялаш жараёни 0,05-0,1 м/сек тезликда ҳаракатланувчи лентали транспортерларда ўтказилади. Транспортернинг икки тарафига ишчилар қўйилади, улар бир-бираига халақит бермайдиган, бир-биридан 0,8-1,2 м масофада турадилар ва онсонлик билан транспортернинг ўртасигача қўллари этишлиги таъминланади.

### **Консерва саноатидаги иккиласчалик маҳсулотларнинг қайта ишлаш ҳолати.**

Хом-ашёни қайта ишлашга тайёргарлик кўришга уларни арчиш муҳим ҳисобланади. Бунда кимёвий, термик ва механик усувлардан фойдаланилади.

Сабзавот ва меваларнинг қопловчи тўқималари таркибидаги протопектин моддаси кўп учрайди. Шу сабабли сабзавот ва меваларни бу тўқималардан кимёвий усулда ажратишда протопектин моддасини парчаловчи ишқор моддалар қўлланилади. Масалан, шафтоли қайнаб турган 3% ли, сабзи эса 3-6% ли ишқорда 30-60 секунд ишланса пўсти туширилади.

Сабзавот ва меваларни пўстдан термик усулда ажратишда қайнаб турган сувга солиб олинади. Кўпинча помидорни пўстдан тозалашда уни қайнаб турган

сувга 1-2 минут солиб олтнади ёки бу ёрдамида 10-20 секунд ишланади. Иссик сув фақат мева ва сабзавотларнинг пўстини қизитиб, ундаги протопектин моддасини парчалайди. Натижада сабзавот ва меваларнинг пўсти этдор қисмдан тезда ажралади.

Инсон саломатлик ва узоқ умр қўришида озиқ-овқат маҳсулотлари асосий ўринни эгаллайди, шу сабабли қадимдан табобиёт тарғиботчилари уларнинг аҳамияти ҳақида жуда кўп иш қилганлар, ҳозирги даврда эса уларни қиймати яна ҳам ортмоқда. Аҳолини етарли равишда сабзавот, полиз ва резавор, шунингдек, дармон дорига (витамин) бой бўлган кўк ошлар билан таъмин қилиш энг муҳим иш бўлиб қолмоқда, чунки сон жихатидан вилоят ва ноҳияларда улар йилдан-йилга кўпаймоқда.

Маълумки, ҳар бир маҳсулот (нон, сабзавот, полиз, узум, резаворлар, кўк ошлар) инсон танасида муайян ҳаётий фаол моддаларини вужудга келтиради. Улар модда алмашиниш жараёнларини, овқат хазм қилишни яхшилайди, танага керак улмаган турли кислота ва моддалардан тозалайди, қон босимини бир меъёрга келтиради, қон томирларимизни мустахкамлайди, қондаги холестерин миқдорини бир меъёрга солиб туради. Турли адабиётларда, жумладан, тиббиёт академиясини тавсияларига кўра йил давомида одам карам, помидор, бодринг, пиёз, саримсоқ пиёз, лавлаги, қовун, тарвуз, ошқовоқ, олма, ўриқ, беҳи, анор, узум, кўк ошлар ва бошқа кўпгина маҳсулотлар истеъмол қилишлари лозим, миқдор жихатдан олсақ, картошка - 97 сабзавот ва полизлар - 146, мева ва резаворлар жаъми - 113 кг га тўғри келмоғи керак.

Технологик жараёнларни қуриш, хом ашёни турли хил ишлов бериш натижасида тайёр маҳсулотга айлантириш, хом ашёни хусусиятларига ва турли хил ишлов бериш даврида унинг мақсадга мувофиқ ўзгара олиш қобилиятига боғлиқдир. Баъзан ишлов бериш усули хом ашёни кимёвий таркибиға боғлиқ бўлади. Масалан, узум шарбати олиш технологиясини кўриб чиқайлик.

Ҳар қандай меваларнинг шарбатини олиш технологиясини ташкил қилинганда, технологик жараён тугаши билан биз тайёр масулотга эга бўламиз ва агар лозим бўлса заводдан чиқариб ҳам юбориш мумкин. Демак хом-ашёга

ишлов беришдан бошлаб 3-4 соат ўтгач тайёр маҳсулот олинар экан. Аммо узумнинг таркибида нордон калий тартрат тузининг борлиги узум шарбатини юқорида келтирилган технологиядан ажралишига мажбур қиласиди. Калий тартрат тузи шарбатда жуда ёмон эрийди ва вакт ўтиши билан шарбат таркибидаги туз идиш тагига кристалл ҳолатда чўкмага тушади. Бу эса тайёр маҳсулотнинг товар кўринишини бузади ва харидоргирлигига зиён етказади. Шунинг учун узум шарбатини олиш технологиясига қўшимча жараён киритилган бўлиб, у олинган шарбатни бир неча хафта давомида паст ҳароратли муҳитда сақлашдан иборат. Шундан кейингина чўкмалардан ажратиб лозим бўлган кичкина хажмдаги тараларга қуйилади.

### **Бугунги қунда ишлаб чиқарилаётган консерва маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлик мезонлари таҳлили.**

Хом ашё кимёвий таркибини ундан олинадиган маҳсулотга таъсир кўрсатишини ўрик, томат ва бошқа кўпгина мева ва сабзавот шарбатларини олиш технологиясини яратилишида ҳам кузатамиз. Уларнинг шарбатларини олиш учун бутун меваларга олдиндан иссиқ ишлов бериш натижасида уларни юмшатиб, сўнгра ишқаловчи ускунада эзиб ва механик элаклардан ўтказиш орқали тайёрланади.

Шуниси қизиқки, олинган тайёр маҳсулот қўйқали, лойқасимон суюқлик бўлиб, ўртacha 50% мева этини ўзида сақлайди. Бу турдаги шарбатни тайёрлашдан мақсад шуки, ўрик, томат ва ўзга кўпгина рангли хом-ашёлар ўз таркибида қулай нисбатлардаги қанд, органик кислоталар, микроэлементлар, полифеноллар, ароматик ва бошқа муҳим озуқавий моддалар тутиш билан бирга, улар яна ўз таркибида каротин моддасини сақлайди. Каротин эса витамин A нинг провитаминидир. Каротин сувда ва хужайра шарбатида эримайди, у асосан мева этининг хужайраларида жойлашади. Агар борди-ю биз ўриқдан табиий шарбат олиш мақсадида пресс ёрдамида мева этидан хужайра ширасини ажратиб олсан, у ҳолда биз пресслаш натижасида йигилган мева эти таркибида энг қимматли модда - каротинни қолдирган бўламиз. Олинган шаффофф шарбат эса ўзининг озуқавийлиги ва кимёвий таркиби бўйича деярли аҳамиятга эга бўлмайди.

Сабзавот ва мевалар тез бузиладиган маҳсулотлар ҳисобланади. Шу сабабли уларни узоқ муддат сифатли сақлаш учун қайта ишланади. Қайта ишлашнинг асосий мақсади тез бузиладиган мева ва сабзавотларни узоқ вақт ундаги витамин ва бошқа қимматли таркибий қисмларини сақлаш ҳамда уларда турли хил микроорганизмлар ривожланишининг олдини олишдан иборатdir. Сабзавот ва меваларни қайта ишлаб ҳалқнинг уларга бўлган талабини йил бўйи қондириш мумкин. Мева ва сабзавотларни илмий асосланган ва хар бир регионнинг табиий ресурсларидан унумли фойдаланадиган қайта ишлаш усувларини жамоа хўжаликларига кенг жорий этиш етиширилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги йўқотишини кескин камайтиради ва мевачилик ҳамда сабзавотчилик хўжаликларининг иқтисодиётини кескин кўтаришга ёрдам беради.

Сабзавот ва меваларни қайта ишлаш натижасида ишлаш усулига қараб бир қатор қўшимчалар - туз, шакар, зиравор қўшилмалари, кислота, сирка кабилар тавсия этилган меъёрда қўшилади. Бу қўшилмалар мева ва сабзавотлар таркибидаги витамин ва бошқа физиологик актив моддаларни сақлаган ҳолда уларнинг калорияси, таъми ҳамда хушбўйлигини анча оширади.

Сабзавот ва меваларни қайта ишлаш усувлари уларда биологик ва физиологик жараёнларни тўхтатиб, фитопатоген микробларни бутунлай йўқотиб, маҳсулотларни ташқи муҳит билан алоқасини узишга қаратилган. Сабзавот ва меваларни қайта ишлаш усулинини маҳсулотнинг турига, етиширилган регионга, уларнинг кимёвий таркибига ва бошқа бир қатор кўрсатгичларга қараб танлаш лозим. Сабзавот ва мевалар асосан физикавий, микробиологик ва кимёвий усувларда ишланади.

Баъзан микробиологик усулда қайта ишлашни биокимёвий қайта ишлаш деб юритади.

### **Назорат савооллари**

1. Консерва саноати маҳсулот турларига изох беринг?
2. Консерва ишлаб чиқариш жараени тавсифи ва иккиламчи маҳсулот тавсифи?
3. Иккиламчи маҳсулотларга ишлов бериш усувлари ва жараёнлари.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

1. Додаев Қ.О. Oziq-jvqat mahsulotlarini konservalashdagi texnologik hisoblar. Дарслик.–Тошкент «Фан». 2003 й. 155 б.
2. Жильцов Э.А., Артюхова Т.А. и др. Автоматизация учёта сырья на консервных предприятиях. Учебник.- ПП 1990 г. 386с.
3. Меледина Т.В. Сыре и вспомогательные материалы в пивоварении. Учебник.- -Санкт-Петербург, Изд-во «Профессия», 2003, 273 С.
4. Ермолова Г.А., Колчева Р.А. Технология и оборудование производства пива и безалкогольных напитков. Учебник.- -М.: Изд-во «Академия», 2000, 416 С.

## **6 маъруза. Ёғ-мой саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш**

### **Режа:**

1. Ёғ-мой корхоналари чиқиндилари ва уларни утилизациялаш.
2. Ёғ-мой корхоналари чиқиндиларидан омухта-ем ва мойлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш.

**Таянч сўз ва иборалар:** Ёғ, мой, иккиламчи маҳсулот, кунжара, госипол, биотехнологик усул, хом ашё сарфи, ярокли ва яроксих чиқиндилар

### **Ёғ-мой корхоналари чиқиндилари ва уларни утилизациялаш**

Республикамиз ёғ-мой саноати йилига 3,5-3,6 млн т чигитни қайта ишлаш қувватига эга бўлиб иккиламчи маҳсулот сифатида 0,9-1,2 млн тоннагача пахта шроти ишлаб чиқарилади. Ёғ-мой корхоналарининг асосий қисми форпресс-экстракция усулида ишлайди. Бу усул 1940 йилларда саноатга жорий қилинган бўлиб, ҳозирги кунгача кескин ўзгартиришлар киритилмаган. Чунки форпресс-экстракция усули хомашё таркибидаги мойни максимал даражада ажратиб олиш ва гossиполни заарсизлантириш асосида ишлайди. Олинадиган шрот таркибидаги мой микдори 1,5% гача, эркин гossипол эса 0,02% гача камаяди.

Лекин бу технология бўйича мой ажратиш кўпайиши билан бирга сифат ўзгаришлари натижасида йўқотишлар ошиб кетади. Олинадиган шрот таркибидаги гossиполни камайтириш учун бериладиган ишлов натижасида унинг таркибидаги оқсилларни кўп қисми қайтмас ўзгаришларга учрайди.


10-жадвал.

### **Ишлаб чиқариладиган пахта шротлари тавсифи (ГОСТ 606-75)**

Курсатгичлар	Навлар	
	1	2
Намлиги, %	7,0-9,0	7,0-9,0
Мой саклами, %	1,5	1,5
Хом протеин саклами, абс. курук. мод. нис.%	44	36
Эркин гossипол микдори, абс. курук. мод. нис %	0,02	0,02
Клетчатка мидқори, %	14,0	25,0

1-жадвалдан кўриниб турганидек, 1-нав шротнинг оқсил микдори 44% бўлса, 2-навники 36% гача тушиб кетади. Таркибидаги эркин гossипол микдори 0,02% дан ошмаслиги талаб қилиниб, уни асосан қора мол озуқасида чекланган микдорда ишлатилади. Паррандачилик ва чўчкачиликда ишлатиш тавсия қилинмайди.

Бунинг сабаби госсиполнинг заҳарли хусусиятлари билан боғланган бўлиб, тоза ҳолдаги госсиполда ЛД<sub>50</sub> 1600 мг/кг ЛД<sub>100</sub> 2800 мг/кг ни ташкил қилади (абсолютная смертельная доза).



*1-расм. Эркин госсиполнинг структураси*

Госсиполнинг токсик хусусиятини ундаги альдегид группа мавжудлиги билан изоҳланади. Шунинг учун мавжуд технология бўйича альдегид группани оқсилларнинг аминогруппалари билан блокировка қилишга қаратилган. Бу жараёнда ўрни босилмайдиган оқсиллар метионин -30 ва лизин – 22% гача йўқотилади, оқсилларнинг эрувчан қисми 50% гача камайиб кетади.

Муаммонинг ёчимини топиш учун жуда кўп изланишлар олиб борилган ва бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Бу соҳада проф. Ржехин В.П. томонидан госсиполни мисцеллада максимал даражада эритиш технологияси ишлаб чиқилган. Бу ҳолда шрот таркибидаги госсипол сақлами 0,01% дан кам миқдорга туширилади. Лекин, жараёнда ҳосил бўладиган антрапилат госсиполни қайта ишлашда муаммолар пайдо бўлгани учун бу технология ўзини оқламади. Агарда технологияни тўлиқ қўллаш мумкин бўлганда озуқа рационидаги шрот миқдорини 2 баробарга ошириб паррандачиликда ҳам 10% гача ишлатиш мумкин бўлар эди.

Кам госсиполли пахта шроти олиш устида «Озиқ-овқат ва озуқа» илмий-тадқиқот лабораториясида ҳам қатор изланишлар олиб борилаяпти. Биз изланишларимиз натижасида қуийдаги асосий учта йўналишни устивор деб белгиладик.

- эркин госсиполни аминогруппа тутувчи реагентлар (карбамид ва аммиак) билан оксидлантириш;
- госсиполни ёғда максимал даражада эритиш учун технологик шароит яратиш;
- шротни биоконверсия қилиш билан госсиполизлантириш ва озуқа қимматини ошириш.

Биринчи йўналиш бўйича изланишларда госсиполни зарарсизлантиришнинг перокисли усули ишлаб чиқилган. Бу технологияга кўра

технологик цикл охирида тайёр шротни водород прикисининг сувли эритмасидан назарий миқдорга нисбатан 300% ортиқча миқдор билан 105-110° С ҳароратда ишлов бериб госсипол кислотаси ҳосил қилинади.

Ундан ташқари госсиполни аммиакли ва карбамидли усул билан боғлаш усуллари ҳам ишлаб чиқилган ва патентлар билан ҳимоя қилинган. Экологик жиҳатдан тоза технологияга эришиш нуқтаи-назаридан карбамид күпроқ маъқул бўлади. Чунки у аммиакдан фарқли ўлароқ оддий ва нисбатан юқори ҳарорат шароитида ҳам учувчан эмас (140-150 °С гача). Ундан ташқари карбамиддан нооқсил азотли қўшимча сифатида чорва рационида фойдаланилади. Карбамидли ишлов бериш технологияси янчилмага 0,2-0,3% миқдорида 15-20% концентрацияли карбамиднинг сувли эритмаси билан намлаш ва кейин қовуришга асосланади. Бунда олинадиган қора мой кислота сони ва ранги яхшиланиши билан бирга шротдаги эркин госсипол миқдори 0,01% дан камаяди ва уни рациондаги миқдорини ошириш ва паррандачиликда ҳам 10-14% гача етказиш мумкин.

2-жадвалда турли технологиялар бўйича ишлаб чиқарилган шротлар кўрсатгичлари келтирилган.

11-жадвал.

#### **Турли технологиялар бўйича ишлаб чиқарилган шротлар кўрсатгичлари**

№	Курсатгичлар	Шрот тури			
		Саноат усулида	Перекисли усулда	Аммиакли усулда	Карбамидли усулда
1	Хом мой саклами, абс. курук. мод. нис.%	1,84	1,97	1,88	1,62
2	Намлик ва учувчан моддалар саклами, %	9,7	9,7	10,0	9,7
3	Хом протеин саклами, абс. курук. мод. нис.%	42,6	44,0	44,9	45,8
4	Оксилларнинг эрувчан фракцияси, умумий миқдорга нисбатан %: - сувда эрувчан; -тузда эрийдиган; -ишкорда эрийдиган	13,0 20,3 22,2	17,4 21,0 21,6	18,4 21,2 22,0	19,1 21,6 22,3
5	Абс. курук. мод. нис.% хисобидаги госсипол миқдори: эркин; боғланган	0,22 0,409	0,007 0,275	0,008 0,300	0,007 0,281

Кўриниб турганидек ҳар томонлама карбамид эритмаси билан ишлов

берилган хомашедан олинган шрот кўрсатгичлари устунлиги билан ажралиб турибди. Ушбу технология республикамизнинг 11 та ёғ-мой корхонасида жорий қилинган. Унинг токсикологик, санитар гигиеник ва биологик хусуиятлари ўрганилган ва чуқур заарсизлантирилгани исботланиб паррандалар учун озуқа сифатида тавсия қилинган. Лекин, технологияни саноатда қўллаш жараёнида корхоналардаги баъзи камчиликлар туфайли тўхтатилган. Бу камчиликлардан бири технологик мейерларни бузилиши натижасида қовуриш қозонларида ҳарорат ошиб кетиши натижасида куйиши ва карбамиднинг ортиқча миқдори парчаланишидир.

Бу муаммони ҳам ҳал қилиш мақсадида карбамидли ишлов бериш технологияси такомиллаштирилиб, хомашёни қовуришдан олдин силикат-карбамидли ишлов бериш технологияси ишлаб чиқилди. Бу усул 2005 йилнинг ноябр ойида «Тошкент ёғ-мой комбинати» ҳиссадорлик жамиятида саноат синовларидан ўтказилди ва жуда самарали эканлиги аниқланди. Натижалар З-жадвалда келтирилган.

12-жадвал.

#### **Янчилмани силикат-карбамид-ишқорли эритма билан ишлов бериш натижалари**

Ёғ намунаси	Қора мой кўрсатгичлари		Рафинациялаш кўрсатгичлари		
	ранги, қиз.бир.	кислота сони, мг КОН	тозаланган ёғ чиқиши, %	ранги, қиз. (кўк) бирл.	кислота сони, мг КОН
			ишқор концент. 250 мг/л, сарфи 10,0 кг/т		
Контроль 1	69	3,29	94,0	13,0	0,02
Тажриба 1	46	2,19	96,7	11,5	0,02
Контроль 2	65	3,84	94,5	12,0	0,019
Тажриба 2	42	1,92	97,1	8,5	0,02

Бугунги кундаги яна бир истиқболли йўналиш бу биотехнологик усул ҳисобланади. Бу соҳада лабораториямизда сут кислотали ва новвойлик ачитқиларидан фойдаланган ҳолда пахта шроти таркибини яхшилаш изланишлари олиб борилмоқда. Бундай йўл билан олинган биомаҳсулот таркиби оддий шротникиг нисбатан кескин яхшиланиши аниқланган. Ундан ташқари биомаҳсулот актив ферментатив муҳитга эгалиги ўрганилиб уни ўсимликшуносликда ўсиш стимулятори сифатида фойдаланиш изланишлари олиб борилаяпти. З йил мабойнида шахрисабз тумани табиий шароитида биомаҳсулотдан чигитни экишдан олдин озиқлантирувчи қўшимча сифатида фойдаланиб кўрилди ва хосилдорлик 2,5-3,0 ц/га гача ошиши кузатилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мүмкінки, пахта шроти республикамизда ишлаб чиқарыладиган энг қўп миқдордаги оқсилга бой маҳсулот бўлиб, бугунги кунда ундан фойдаланиш самарадорлиги ва соҳаларини кенгайтириш бўйича етарли технологияларимиз мавжуд. Ушбу технологиялар жорий қилинса чорвачилик ва паррандачилик ривожига катта имкониятлар яратилар эди.

### **Назорат савоолари**

1. Ёғ – мой саноати асосий ва қўшимча маҳсулот турларига изох беринг.
2. Иккиласми маҳсулотлар турлари, тавсифи
3. Ёғ саноати иккиласми маҳсулотларига ишлов бериш усуллари.

### **Фойдаланилайдиган адабиётлар рўйхати**

1. Kadirov Yu., Ruzibayev A. Yog'larni qayta ishlash texnologiyasi. Darslik.-T.: “Fan va Texnologiya”. 2014. -320 b.
2. Qodirov Y.Q. va boshqalar. O’simlik moylari ishlab chiqarish texnologiyasi. Darslik .- T: “Cho’lpon”. 2014. -320 b.

## **7 маъруза. Вино ва спирт саноатининг саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш**

### **Режа:**

1. Вино ва спирт ишлаб чиқариш корхоналарини иккиламчи ресурслари ва уларнинг классификацияси.
2. Вино ишлаб чиқариш саноатининг иккиламчи ресурларини қайта ишлаб табиий бўёқ, озуқа оқсили, узум мойи, энат эфирлари ва ректификатланган этил спирти олиш технологиялари.
3. Вино ва спирт саноатининг чиқиндиларидан метан гази ишлаб чиқариши.

**Таянч сўз ва иборалар:** *Дон - картошка бардаси, меласса бардаси, қуруқ моддалар. Буглатилган мелассабардаси, қуритиши, ем ачитқилари, фугат, бражскани қайта ҳайдаш. Углерод диоксид, қўшимчалар, харорат, спирт, изотермик омбор, газ, адсорбер, силикаgel.*

### **Вино ва спирт ишлаб чиқариш корхоналарини иккиламчи ресурслари ва уларнинг классификацияси.**

Барда - спирт саноатининг асосий чиқиндиларидан бири; бир дал спирт ишлаб чиқарганда унинг чиқими  $0,12 \text{ м}^3$  ни ташкил этади. Дон - картошка бардаси табиий ёки қуритилган холда хайвонлар учун озуқа сифатида ишлатилади. Бардада агарда озуқа - ем ачитқилари ўстирилса, унинг озуқа киймати сезиларли даражада ортади.

Барданинг кимёвий таркиби қайта ишланаётган хом ашёнинг тури ва сифатига боғлик холда сезиларли чегарада узгариб туради.

Меласса бардасига, меласса қуруқ моддаларининг 50-55% ва ачитқилар, улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар ўтади. Шунингдек, меласса бардасида минерал моддалар микдорининг катта бўлиши, хайвонлар учун ем тайёрлашда кераксиз хисобланади. Меласса бардаси турли йуналишларда: озуқа-ем ачитқилари ўстириш учун, органик - минерал ўғитлар олиш учун, озуқа концентрат витамин  $B_{12}$  олиш учун, глицерин ажратиб олиш учун, глютамин кислота, натрий глютамат, бетаин, холинхлорид ва бошқа кимматли моддалар олиш учун ишлатилади.

13-жадвал

Моддалар	Бардадаги микдори (%)				
	Картош-кали	Жухо-рили	Жав-дарли	Сулили	Арпали
Сув	95,5	93,2	92,6	92,0	93,0
Куруқ моддалар	4,5	6,8	7,4	8,0	7,0
Эрувчан куруқ моддалар	2,1	2,5	2,9	2,0	2,7
Углеводлар:					
редуцирловчи	0,3	0,5	0,4	0,25	0,45

моддалар					
крахмал	0,4	0,5	0,3	-	-
пентозан	0,45	0,4	0,45	0,25	0,4
гемицеллюлоза	2,3	1,8	1,7	1,4	1,7
целлюлоза	0,3	0,3	0,5	0,9	0,7
Азот	0,17	0,4	0,27	0,19	0,24
Кул	0,5	0,4	0,45	0,57	0,57
ЁF	-	0,67	-	0,94	0,46

#### 14-жадвал

Модда	Микдори, меласса бардасидаги ҚМ га нисбатан % да	Модда	Микдори, меласса бардасидаги ҚМ га нисбатан % да
Органик бирикмалар	70-83	Аминокислоталар	6-10
Протеин	17-27	Органик кислоталар	5-27
Азот		Глицерин	6-13
умумий	3-5	Редуцирловчи моддалар	3-7
оқсилли	0,4-1,0	Кул	17-24
аминли	0,3-0,6	Na <sub>2</sub> O	7-8
аммонийли	0,1-0,3	CaO	0,5-3
Бетаин	7-15	Микроэле- ментлар	1,5-2

Меласса бардаси таркибида 7,5 - 10% қурук моддалар, шу жумладан 3% га якин ноорганик бирикмалар тутади. Ачитқилар меласса бардасидаги редуцирловчи қандлар (0,2-0,5%), глицерин (0,6-0,9%), органик кислоталар (1,5-2,5%), аминокислоталар, спиртлар, глюкозалар, органик ва ноорганик азот тутувчи бирикмалар, темир, калий, магний, фосфорнинг тузлари, витаминалар ва микроэлементларни узлаштиради.

Дон бардаси 7-8% қурук модда, картошка бардаси эса 5% га якин қурук моддаларни тутади. Бу барданинг қурук моддалари қуйидаги таркибда бўлади (% да): қандлар – 0,25-0,5, глицерин – 0,4-0,6, крахмал - 0,1-0,2, гемицеллулоза – 1,4-2,3, целлюлоза – 0,3-0,9, оқсиллар, аминокислоталар, органик кислоталар ва минерал бирикмалар. Бардадан кўпгина аминокислоталар (аргинин, Валин, глицин, лейцин, изолейцин, глутамин ва аспарагин аминокислота) ачитқилар томонидан ўзлаштирилади.

Кўпгина мелассадан спирт ишлаб чиқариш корхоналар бирламчи ёки иккиласмичи бардани фильтр даласига ташлайди. 1000 дал хом-спирт олингандан 120 м<sup>3</sup> барада чиқади. У фильтр далаларига ташланса катта майдонни эгаллайди

ва қишлоқ хұжалик экинларини етиштиришга тұсқынлик қиласы, шунингдек органик бирикмаларни парчаланиш маңсулотлари атроф мұхитни заарлантиради. Шу болан бирга барда болан фойдалар ҳам йүқолади. Меласса бардаси юқори қийматли озуқа ҳисобланади. У чорвани вазнини ошириб гүшт сифатини яхшилайды. Бардан озуқа қиймати ундаги углеводлар, азот моддалар, витаминалар ва микроэлемент болан белгиланади. ҚМ 53% бўлган буғлатилган меласса бардасини кимёвий таркиби жадвалда келтирилган. Бундан ташқари 1 кг бардада: марганец – 6,5 мг, кобальт – 0,65 мг, мис – 2,2 мг ва В гурух витаминалари бор.

### 15-жадвал

Моддалар	Таркиби, ачитқидан кейинги барданинг ҚМ нисбатан % да	Моддалар	Таркиби, ачитқидан кейинги барданинг ҚМ нисбатан % да
Органик моддалар	46,04	Кул Шу жумладан	17,36
Умумий азот Шу жумладан	2,37	калий	9,15
оқсилли	0,35	Натрий	1,43
протеин эквиваленти	14,95	кальций	0,56
оқсил	2,21	Магний	0,14
ёғ	0,89	фосфор	0,02
Азотсиз экстрактив моддалар	20,19	олтингугурт	0,11
шу жумладан қанд	0,87	хлор	3,78

Бардадаги азот моддаларини күпчилиги оқсил бўлмаган бирикмалар, азотсиз экстрактив моддалар – углевод бўлмаган бирикмалар ташкил этади. Бардада 15-19% кул бор – унинг 9% ни калий, 4% хлор ва 1,5% ни натрий ташкил қиласы.

1 кг буғлатилган меласса бардаси 0,22 озуқа қийматига эга. Буғлатилган меласса бардасини ишлатиш қишлоқ хұжалигига емни баҳосини туширади.

Барда 4 корпусли буғлатиш ускунасида буғлатилади. Иситувчи буғ фақат биринчи корпусга берилади. Қолган корпуслар ўзидан олдинги корпусдан чиқадиган иккиламчи буғ болан қыздырилади. Охирги корпусдан чиқадиган иккиламчи буғ барометрик конденсаторга келади, конденсатланмайдиган газлар ва вакуум-насос болан сўрилади.

Охирги корпусда вакуум ҳосил қилинади. Бардани буғлатиши максимал ҳарорат 142° С дан ошмаслиги керак, акс ҳолда қанд ва аминокислоталарни парчаланиши рўй беради (меланоидин реакциялари), шунингдек витаминалар парчаланиб барданинг биологик қиймати кескин тушиб кетади.

Барда ва конденсат кимёвий агрессивдир. Шунинг учун буғлатиш ускуналари зангламайдиган пўлатдан тайёрланади.

16-жадвал

Кўрсаткичлар	Конденсат	
	Бирламчи барда	Иккиламчи барда
pH	4,06-4,96	4,35-8,2
Сирка кислотага хисобланган умумий кислота миқдори, мг/л	510-820	18,0-348,0
Сирка кислотага хисобланган учувчан кислота миқдори, мг/л	440-750	12-99
Альдегидлар мг/л	18,0-66,0	2,6-25,4
Изоамил спиртига хисобланган сувуха мойлари мг/л	12,3-15,4	41,3-101,3
101,3 Аммиакга хисобланган азотли модда, мг/л	5,42-16,56	1,33-164,8
Фурфурол мг/л	0,20-1,75	0
Метил спирти мг/л	0	0
Оксидланиши, мг KMnO <sub>4</sub> /л	658-966	64-575

Бардани буғлатиш учун буғлатиш қурилмасига эга бўлган спирт заводларда оқова сувларни миқдорини камайтириш йўлларидан бири бу бардани буғ конденсатини технологик мақсадларда ишлатишидир.

Жадвалда бирламчи ва иккиламчи меласса бардаси буғларини конденсатини кимёвий таркиби берилган.

Бирламчи барда буғини конденсатида учувчан органик кислоталар, альдегидлар ва бошқа моддалар қўпроқ бўлади. Лаборатория тажрибалари ва Лупанск спирт заводлардаги ишлаб чиқариш тажрибалари шуни кўрсатадики, бирламчи ва иккиламчи барда буғини конденсатини мелассани суюлтириш учун кўп марта ишлатганда олинадиган спирт миқдори ва сифатини камайишига таъсир этмайди.

### Қуруқ дон-картошка бардаси ишлаб чиқариш

Барда таркибида хом-ашёнинг бижғимайдиган қуруқ моддалари, спиртли бижгишда ҳосил бўладиган қийин учувчан маҳсулотлар (глицерин, пироузум кислота) ва ачитқилар бўлади. Бражкани қайта ҳайдашда ачитқи хужайралари

бўлади ва парчаланади. Дон ва картошка бардаси қуруқ моддалар концентрацияси ва таркиби, шунингдек озуқа қиймати билан фарқланади (жадвал).

17-жадвал

Кўрсаткичлар	Хом-ашё	
	Дон	Картошка
Қуруқ моддалар, %	6,0-8,0	3,5-4,1
Таркиби, барда КМ нисбати		
Протеин	26,5-27,5	18,7-19,5
Азотсиз экстрактив моддалар	40,0-50,0	56,2-58,5
ЁF	5,97-7,5	3,1
Клетчатка	12,8-13,4	9,4-9,7
Кул	7,6-8,7	12,1-12,5
Озуқа қиймати	0,7	0,4

Бундан ташқари бардада витаминлар, органик кислоталар ва бошқа бирикмалар бўлади. Дон ва картошкадан спирт олишда, 1 дал спиртга ҳисоблаганде  $0,14 \text{ м}^3$  барда олинади. 1 т. барда таркибида 18,6 кг протеин бўлади. Бу протеиннинг тахминан ярми ҳайвонлар организмида ҳазм бўлади. Барда оқсили кам бўлган емларга қўшимча сифатида қўшилади.

Бардани нам ҳолда тўлиқ ишлатиш учун спирт заводи яқинида жуда катта чорвачилик пункти бўлиши керак. Лекин бунда йил фаслларига қараб дон-картошка бардасига бўлган талаб ўзгаради: ёзда камаяди, қишида кўпаяди. Шуни ҳисобга олиб спирт заводларида барданинг бир қисми қуритилади. Қуритишида иссиқлик сарфини камайтириш мақсадида барда фильтратидан айланувчи конуссимон элак ёрдамида дробина ажратиб олинади. Фильтрат 30-35% КМ гача буғлатиш ускунасида буғлатилади. Дробина билан аралаштирилади ва барабанли қуриткичларда тўлиқ қуритилади. Фильтратни қуритиш ускунасининг қизитиш юзаси тез-тез механик тозалаб турилиши талаб этилади.

Кўрилган барда таркибида оз миқдорда протеин ва кўп миқдори кул бўлади. Чунки қуритиш иссиқ печ газлари ҳисобига боради. Протеинни ҳазм бўлиш коэффициенти паст бўлганлиги учун натурал ва қуруқ дон-картошка бардасини чорвага бериш самараси кам бўлади.

Бардани озуқа қийматини ошириш учун ачитқи емларини кўпайтиришда озуқа муҳити сифатида қўллаш мақсадга мувофиқ. Ачитқи хужайраларини синтези жараёнида барда протеинини кўп қисми ачитқи протеинига айланади. Бу протеиннинг 90 % ҳазм бўлади. Шуни ҳисобига бардадаги ҳазм бўладиган оқсил 1,7 марта ошади. Ачитқиларга озуқа сифатида солинган азот ҳисобига оқсил миқдори 2 марта ошади. Дон-картошка бардасида ем ачитқиларини кўпайтириш

бардани В гурух витаминлари, пантотин, никотин кислоталари ва холин билан бойитади. Шундай қилиб бардада ем ачитқиларини қўпайтириб, оқсил витаминга бой озуқа еми олиш мумкин.

АҚШ нинг йирик спирт заводларида барда центрифугада чўкма ва фугатга ажратилади. Фугат вакуумда ишлайдиган 4 корпусли буғлатиш қурилмасидан ҚМ 35% гача буғлатилади. Буғлатилган фугат чўкма ва қуритилган барда билан аралаштирилади. Намлиги 50% бўлган олинган масса барабанли қуритгичларда иссиқ ҳаво билан қуритилади. Тайёр маҳсулот оч сариқ рангда ва ҳиди дон ҳидига яқин бўлади.

Спиртли бижғишида углерод диоксиднинг назарий чиқими этил спирт чиқимининг 95,6% ни ташкил этади. Узлуксиз спиртли бижгитишида у 70% утилизация килинади. Бир канча вақт олдин углерод диоксид асосан озик-овкат саноатида - алкогизиз ичимликлар, кўпирувчи вино, шампан виноси, сувни газлашда қулланилган. Охирги йилларда унинг қулланилиш соҳалар сезиларли кенгайди: пайвандлаш (сварка) ва металларга кесиб ишлов бериш, саноат энергетикаси ва бошқалар. Шу билан бир вақтда унинг тозалагига бўлган талаб хам ошди.

Спиртли бижғиши, газларнинг таркиби, ҳаво, сув парлари, спиртлар, альдегидлар, органик кислотлар, муракаб эфирлар, ва баъзида сульфат бирикмалари, карбонат кислота сифатини факатгина пасайтириб колмай, балки уни ишлаб чиқаришга салбий таъсир қиласи. Агар ҳаво миқдори ошиб кетса, карбонат кислота мосламасининг ишлаш режими бузилади: сув буглари ва сульфат бирикмалари ускуннанинг коррозияланишини кучайтиради.

Углерод диоксиддаги қўшимчалар таркиби харорат ва бражгадаги спирт миқдорига boglik. Уларнинг ошибши ва бражкани аралаштирилиши этил спирт ва учувчи қўшимчалар миқдорини оширади. Кўшимчаларнинг умумий миқдори жадвалда келтирилган.

Бинобарин, уларнинг миқдори 0,6% дан ошмайди.

18-жадвал

Модда	Бижғиши газларидаги концентрацияси			
	меласса		дон	
	x%	мг/л	x%	мг/л
Спиртлар	0,5	10	0,3	5
Альдегидлар	0,06	1	0,05	1 дан кам
Органик кислоталар	0,02-0,04	0,5-1,0	0,02-0,04	0,5-1,0
Мураккаб эфирлар	0,02	0,5	0,01	0,5 дан кам

### Углерод диоксидни қушимчаларнинг тозалаш.

Спиртли бижғиши газларини органик қўшимчалардан тозалашнинг абсорбцион, адсорбцион ва комбинацияланган-адсорбцион-абсорбцион методлари фаркланади.

Углерод диоксиднинг кўпгина органик қушимчалари сувда яхши эрийди, этил спирти сувда хар қандай нисбатда эрийди. Спиртли бижғишининг углерод

диоксидини тозалашнинг хамма қулланилган ва замонавий технологик схемаси уни сув билан ювишни назарда тутади. Кейинчалик калий перманганат ёки калий бихромат эритмалари билан оксидлаш, актив кумирда, силикагел ва NaA типидаги цеолитда абсорбциялаш мумкин, сорбентларни углерод диоксидни қушимчалардан тозалаш самарадорлигига қараб, қуйидаги каторга жойлаштириш мумкин: актив кумир>силикагел>сув>калий перманганат эритмаси>калий бихромат эритмаси>синтетик цеолит NaA.

Газларни қуритиш учун сувни ютишда конц. сульфат кислота, кальций хлорид, силикагел, алюмогел билан адсорбциялаш, шу билан бирга музлатиш қулланилади. Энг кўп намликни цеолит NaA кейинги ўринларда силикагел, ва актив кумир тўради.

Цеолит сув ютиш кобилятини узок вақт саклайди. Актив кумир кўп миқдорда қушимчаларни адсорбциялаб тез туйинади ва намликни ютиш кобилятини йукотади, силикагел намлик ютишда актив кумирга қараганда юкори цеолитга қараганда кам динамик активликни узида намоён этади.

Замонавий технологияда углерод диоксид газини икки босқичда тозалаш қулланилади. Биринчи босқичда у (биринчи босқич сиқишидан кейин урнатилган) колонкада актив кумир билан адсорбцион тозалашдан ўтади, иккинчисида - адсорбцион тозалаш, яъни аввал адсорберда силикагел билан қуритиш, кейин янада яхширок қуритиш максадида цеолитли адсорберда қуритилади. Углерод диоксидни тозалашни иккинчи босқичи учинчи погона сиқишидан кейин амалга оширилади. Калий перманганат эритмаси билан тозалаш назарда тутилмаган.

### **Суюқ углерод диоксид олиш технологияси.**

Спирт заводларида суюқ углерод диоксид муътадил совуқ ишлатилиб, газни сиқиши принципи билан олинади. Суюқ углерод диоксид олишнинг такомиллашган технологик схемаси расмда келтирилган.

Герметик ёпилган бижғитиш ускуналаридан 1 бижғиши газлари кўпик-ушлагич 2 га келади, ундан эса спирт ушлагич 3 га: ювилган газ газгольдер 4 га жунатилади. Кейин газ Рашига айланалари ёки кокс билан тулдирилган сувли скруббердан 5 ўтади. Бунда газлар сув билан ювилади, органик қўшимчалардан тозаланади ва совутилади.




Рис. 140. Усовершенствованная технологическая система производства аммония угляров: —— переключение дисковых дверей; —— основная дверь углерода; —— вспомогательная дверь углерода; —— конденсат; —— пар.

Скрублердан газ сув-айлана компрессорга 6 келади, бу ерда у қүшимча

тозаланади ва совутилади сўнг сув ажратгич 7 дан ўтиб уч босқичли компрессор 12 нинг биринчи босқичида 0,5 МПа гача сиқилади ва совутгич 14 га юборилади. Углерод диоксидни тозалаш ва қуритиш учун совутгичдан олдин ва кейин мой ажратгичлар 13 урнатилган.

Шундан сунг газ адсорберларда 8, 9 актив кумир билан тозаланади. Адсорберлар иккита бўлади: биттаси ишлаганда, бошқаси регенерациясида (қайтадан тиклаш) бўлади. Регенерация дроссерлашда хосил бўладиган кизиган углерод диоксид билан олиб борилади.

Адсорберлардан углерод диоксид иккинчи босқич компрессорига келади, бу ерда 2,4-2,5 МПа гача сиқилади, сунг эса совутгич 16 ва мой-ажаратгич 15 орқали учинчи босқич компрессорига тушади. Тахминан 7 Мпа гача сиқилган газ совутгич 18 мойажрагич 7 ва навбат билан уланган. Силикагелли адсорбер 19, 20 цеолитли адсорбер 21,22 дан ўтади. Уларда газ тўлиқ тозаланади ва қуритилади. Адсорберларни регенерация қилиш зарурлигини хисобга олиб туртта жуфт бўлиб ишлайдиган циликагелли ва цеолитли адсорберлар ўрнатилади. Уларни регенерация қилиш учун йиғувчи сигимда дроссерлашда хосил бўладиган углерод диоксид ишлатилади. Изотермик омбордан ва изотермик транспорт резервуридан насос 31 билан иссиқлик алмашиниш ускуналарига 23, 30 қиздириш учун углерод диоксид берилади. Конденсатор 35 да газ иссиқликни бериб конденсатланади. Сиқилган углерод диоксид юқори босимли ресиверлар 32 ни тўлдиради ва тарозига 34 қўйилган пўлат баллонлар 33 га солинади.

Бу схема буйича сиқилган ўта совутилган баллонсиз сақланадиган ва ташиладиган углерод диоксидни хам ишлаб чиқариш мумкин. Бунинг учун суюқ углерод диоксид 6,5-7 МПа босимда 0,8-1,2 МПа босимгача дроссерланади. Натижада харорат -43,5-33,3 гача пасаяди ва углерод диоксид эмульсия холатига ўтади. Вихревой ажратгич 24 да суюқ ва газ фазалар бир-биридан ажралади. (газ кўринишдаги фаза 47 % атрофида олинади). Суюқ углерод диоксид вихревой камеранинг ўралган каналлари орқали ажратгич идишга қараб окади, ундан йиғувчи сигим 26 га, изотермик омбор 29 га ёки изотермик транспорт резервуари 28 га ўтади. Газ фаза вихревой камеранинг марказий тиркиши орқали, кейин эса мос коммуникация буйлаб аралаштиргич 10 га келади, Бу ерда биринчи босқич компрессордан келаётган газ билан аралаштирилади. Углерод диоксид газининг босими манометр 11 билан ушлаб турилади. Аралаштиргичдан газ иккинчи босқич компрессорига келиб тушади.

Сиқилган углерод диоксид тулдирилган изотермик омбордаги газ микдори сатҳ улчагач 27, босимини монометр 25 билан назорат килинади. Изотермик сигимининг максимал тўлдирилиши геометрик хажмнинг 85-90 % ни ташкил этади. Изотермик резервуардаги суюқ углерод диоксиднинг параметрлари куийдагича: босими 0,8-1,2 МПа, харорати -43,5 дан -33,3% гача, бугланиш иссиқлиги 326-309 кДж/кг, зичлиги 1130,8-1087,8 кг/м<sup>3</sup>, энталпия 326-346 кДж/кг, энтропия 3,83-3,92 кДж/кг.

Суюқ углерод диоксидни қуруқ муз олиш учун юборилади.

Спиртли бижғиши газларидан олинган суюқ углерод диоксиднинг сифати, ГОСТ 8050-76 билан регламентланган

Кўрсаткичлар	Углерод диоксида учун норма		
	пайвандлашда	озиқовқат	техник
Углерод диоксид миқдори, % дан кам эмас	99,5	98,8	98,5
маҳсулот учун давлат сифат белгиси, дан кам эмас	99,8	99,8	
Минерал мойлар миқдори, мг/кг	0,1	барқарор	
H <sub>2</sub> S миқдори	Йул қуийлмайди		
Баллондаги сув миқдори оғ.%	барқарор	0,1	0,1
Ароматик углеводород миқдори (шу жумладан бензол)	Йул қуийлмайди		

### УЗУМНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИНИ ЧИҚИНДИЛАРИ

Қишлоқ хўжалик хом-ашёларини қайта ишланганда иккиламчи маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳосил бўлади. Булар иккиламчи маҳсулот ресурслари (ИМР) ҳисобланиб, улар максимал даражада ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилади. Узумни қайта ишлаш натижасида иккиламчи маҳсулотлар: узум турписи, банди, уруғи ва узумдан олинган шарбат бижғитиши натижасида ачитқилар, чўқмалар ва бошқа чиқиндилар ҳосил бўлади.

Бу чиқиндилар қайта ишланган узум хажмининг 20% ни ташкил қиласди.

Иккиламчи машсулотлрни рационал ишлатиши бўйича ўзумни қайта ишлаш натижасида иккиламчи машсулотларни 5 млн.дал гача этил спирт, 6 минг.т. хашаки унлар ва бошқа емлар олинади.

Узумнинг иккиламчи машсулотлари шингилнинг қаттиқ элементларида жойлашган. Аммо ачитқилар, нейтрал кислоталар чўқмалари, этил спирти. Углерод оксида, ароматик моддалар ва бошқа машсулотлар фойдали озуқа чиқиндилари деб эътироф этилади.

### ЧИҚИНДИЛАР ТАВСИФИ

Банд: Узум янчилиши натижасида одатда бандлар шарбат билан намланган бўлади в таркибида маълум миқдорда қанд бўлади. 1,5-2,0 г/100мл.

Корхоналарда бандлар исканжаланади ва ҳар бир тонна узумдан 1 дал гача банд шарбати олиниб, спирт ва сирка кислотаси олиш учун ишлатилади.

Банднинг таркибида:

Фенол моддалар – 3-6%

Минерал моддалар – 2,5% гача

Шароб кислотаси 0,1% гача

Турпи: Эзилган узумни исканжалаш натижасида ишлатиладиган исканжалар типи бўйича турпилар икки гурухга бўлинади.

1. Даврий усулда ишлайдиган исканжадан (ППД) олинган турпи.

2. Шнекли исканжадан олинган турпи (ПНД)

Биринчи гурухдаги турпи кўп миқдорда шарбат ва эзилган пўстлоғдан

иборат;

Иккинчи гурухдаги турпи кам миқдорда шарбат ва кўп миқдорда Уруғлардан иборат бўлади;

Узлуксиз ишлайдиган исканжадан олинган ширин турпилар қуйидаги кўрсатгичлар ёрдмаида тавсифланади:

Бандлар қолдиғи- 3%;

Пўстлоғи- 6,5%;

Уруғлари – 3,2%;

Намлиги- 48-55%;

Зичлиги- 1,05-1,2

Сочма массаси- 350-470 г/л;

Влагоёмкость—60 мл/100г;

+анд миқдори (шарбатдаги миқдорига қараб)-25-30%

Узумни қайта ишлаш услуби бўйича турпилар З гурущга бўлинади:

1. Ширин

2. Бижғиган;

3. Спиртланган;

Бу гурухдаги турпиларнинг таркибий тавсифи 1-жадвалда келтирилган.

Бундан шуни кўриш мумкинки; қанд, спирт ва шароб кислотанинг энг юқори миқдори – спиртланган турпида бўлади.

20 жадвал.

Узум турпиларидағи асосий моддалар тартиби %

Моддалар	Турпилар		
	ширин	Бижғиган	Спиртланган
Қанд	5-10	-	4-6
Спирт	-	4-5	5-8
Шароб кислотаси	0,5-2,0	0,7-2,5	1,2-3,0
Уруғдаги мой	10-24	10-24	10-18

Узум турписи хаво билан алоқада бўлиши щисобида тез бузилади ва моғор билан қопланади, спирт сирка кислотасига айланади, шароб кислотали бирикмалар пропион кислотали бижғиш бактериялари томонидан парчаланади. Шунинг учун исканжалашдан кейин бирданига турпилар қанд ва шароб кислоталарни экстракциялаш усули билан ишлов берилади. Бундай имкониятлар бўлмаса турпилар цементли трансияларда, маҳсус ер ости омборхоналарда. Ховузларда ёки майдонларда жойлаштирилади, полиэтилен пленкалар билан ёпилади, кейин қум. Турпоқ, ёки ер билан қўшиб ташланади. Узум турпилари бижғишдан кейин спирт ва шароб кислотали бирикмалар олиш учун ёки тўғридан- тўғри хайдаш усули билан спирт олиш учун дисстилляцига юборилади. Уларни комплекс равишда ишлатилиши натижасида шароб килотаси, спирт хом-ашёси, узум Уруғлари, хашакиунлар, энобўёклар ва бошқа маҳсулотлар олинади.

Ачитқи ва гущали чўқмалар. Чўқмаларга ишлов бериш шарбат шароб ишлаб чиқариш саноатида чиқиндиларни комплекс ишлатиш бўйича сезиларни ўрин

эгаллайди. Шарбатни тиндириш ва уни спиртлаш, спиртли бижгиш, хом шаробларни ва хом шарбатларни хурушлаш, шунингдек уларни бентонит, кремний кислоталари билан ишлов бергандан кейин ҳосил бўлган чўқмалар билан – гущали чўқмалар фарқланади. Гущали чўкмаси келиб чиқишига қараб қуидагиларга бўлинади: сульфатланган, спиртланган (қувватланган) ва бижгитилган;

Қуруқ моддаларни ташкил этиш бўйича (%)да; суюқ ҳолатдагилар –12, қуюқ ҳолатдагилар – 30 гача ва сиқилган (исканжаланган)лар –60 гача. Гущали чўқмалар чиқиши узумни етилишида ва қайта ишлашда янчилиш даражасига қараб(2-3 дан 15-20% гача) кенг диапазонда ўзгариб туради. Чўқмалар ўзида мезга (эзилган узум) ва шарбатнинг механик аралашмаларини шароб тошларини оқсил моддаларини, полисахаридларни, фенолли бирикмаларни, микроорганизмларни, бегона аралашмаларни ва ифлосликларни, шунингдек спирт, қанд ва шароб кислоталарни мужссамлаштирган.

Ачитқи чўқмалари биэфишдан кейин бочка ва резервуарларини тубига чўқади ва шароб хажмига кўра 3-8% ни ташкил қиласди. Ачитқи чўқмаларини қайта ишлаш иқтисодий жиҳатдан фойдали ва шароб ишлаб чиқариш корхоналридаги сувларни ифлосланиши учун кураш ҳисобланади.

Исканжаланиб олинган ачитқилар 5-10% спирт, 3-8%шароб кислотаси, шунингдек бир қатор пектин, буёвчи, ошловчи, азотли ва бошқа моддалардан иборат.

Комплексли ишловда ачитки чукмалардан спирт, вино кислоталар, энант эфири, аминокислоталар (тоза <sup>3</sup>олда), ачитқи концентратлари ва автолизаторлар, ферментлар, витамин препаталари, <sup>3</sup>айвонлар учун озуқа ма<sup>3</sup>сулотлари олинади.

Ачитқи бардаси. Спирт хом ашёсини олишда <sup>3</sup>айдаши қоладиган ачиқилар бардаси ачитқилар булаклари бмм гача, кўл-ранг, яшил рангли бир бутун ачитқилар чукмасининг массасидан иборат. Уни шароб кислотали туз ва хашаки ачитқилар (хашаки оқсилли ачитқилар) олиш учун ишлатилади. Барда 3,0 озуқа бирлиги (100кг-да 7-10%) қуруқ моддалардан 1-2,5 % шароб кислотасидан, 0,8 % гача қанддан, 1% гача х. спиртдан 96% гача намлиқдан 0,6-2,0% протеиндан 0,4% гача клетчаткадан ва 12,0 г/л гача титр кислоталардан иборат. Ачитқи барадалардан шунингдек сирка, глицерин, фурфурол, у<sup>2</sup>ит ва озуқа ма<sup>3</sup>сулотлари олиш мумкин.

Конъяк бардаси. Конъяк ишлаб чиқариш корхоналарида Янги хом шаробларни қайта <sup>3</sup>айдаш натижаси олинадиган конъяк спиртидан кейин қоладиган о<sup>3</sup>ирги ма<sup>3</sup>сулот конъяк бардаси <sup>3</sup>исобланади.

